

ТАСДИҚЛАНГАН:

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
геология ва минерал ресурслар  
қўмитаси Раиси

\_\_\_\_\_ Б.Ф.Исломов

2020 йил“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

КЕЛИШИЛГАН

“Навоий кон-металлургия комбинати”ДК  
Бош муҳандиси

\_\_\_\_\_ Н.П. Снитка

2020 йил“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

КЕЛИШИЛГАН

“Олмалиқ кон-металлургия  
комбинати”АЖ Бош муҳандиси  
ўринбосари

\_\_\_\_\_ У.С.Оруджев

2020 йил“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

**ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИГА ЛОЙИҲА ВА СМЕТАЛАР  
ТУЗИШ БЎЙИЧА  
ЙЎРИҚНОМА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА  
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ**

**ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИГА ЛОЙИҲА ВА СМЕТАЛАР  
ТУЗИШ БЎЙИЧА  
ЙЎРИҚНОМА**

Тошкент, 2020 й.

Лойиха ва сметаларни тузиш бўйича йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресаурслар қўмитаси (кейинги ўринларда – Давгеолқўм) “Давлат геология ахборот маркази” ДК томонидан соҳанинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Йўриқномани тузувчилар: И.А.Юлдашев, В.В.Рябухина, Н.А.Снурницына, Н.П.Дегтярёва, Г.В.Пяновский.

Йўриқномани тузишнинг барча босқичларида қуйидагилар катта ёрдам бердилар: А.А.Ворисов, Н.М. Хақбердиев, А.И. Рустамов, Н.Б.Хаитов, Ю.Н.Хўжамов, В.И.Устинова, А.Б.Холиқов, Н.Ю.Дўлабова, Р.М.Бегматов, В.И. Сокол, Е.Н.Герасимова, Б.Б.Назаров, Р.Х.Отабаев, М.Э.Муқсинова, О.А. Вагина, А.В. Петров ва соҳанинг бошқа мутахассислари.

## МУНДАРИЖА

	Бет.
1-боб. Умумий қоидалар.....	6
2-боб. Лойиха-смета ҳужжатлари таркиби.....	8
3-боб. Лойиха бўлимлари ва уларнинг таркиби.....	9
4-боб. Лойихалашнинг ўзига хослиги.....	15
5-боб. Айрим иш турларини лойихалаштиришнинг ўзига хослиги.....	18
§1. Тайёргарлик ишлари.....	19
§2. Лойихалаштириш.....	20
§3. Дала ишлари.....	21
§4. Бошқа дала ишлари ва харажатлар.....	39
§5. Лаборатория ва технологик тадқиқотлар.....	42
§6. Дала шароитидан ташқарида бажариладиган геология-қидирув ишлари.....	43
§7. Мавзуга оид ва тажриба-услугиёт ишлари.....	44
§8. Дала шароитидан ташқарида бажариладиган бошқа турдаги геология-қидирув ишлари.....	44
6-боб. Биргаликда бажариладиган ишлар ва харажатлар.....	45
§1. Геология-қидирув ишларини дала шароитида олиб бориш даврида вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш.....	46
§2. Транспорт хизмати (транспортда ташиш).....	46
§3. Компенсация қилинадиган харажатлар: дала шароити таъминоти хизмат сафарлари, ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазасига доир тадбирлар, ишлаб чиқариш ва турар жойлар ижараси.....	47
7-боб. Саноат хавфсизлиги.....	48
8-боб. Геология-қидирув ишлари смета қийматини жорий нархларда аниқлаш...	48
§1. Асосий харажатлар.....	52
§2. Давр харажатлари ва норматив фойда.....	56
§3. Алоҳида иш турлари ва харажатлар смета қийматини аниқлашнинг ўзига хослиги.....	57
9-боб. Геология-қидирув ишларига сметалар тузиш.....	72
10-боб. Илмий-тадқиқот ва мавзуга оид ишлар дастурларини тузиш хусусиятлари.....	74
11-боб. Лойиха-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш тартиби.....	77
Иловалар рўйхати.....	81
1-илова – Геологик топшириқ.....	82
2-илова – Геологик топшириққа қўшимчалар.....	83
3-илова – Лойиха титули.....	84
4-илова – Смета титули.....	85
5-илова – СМ 1Г шакли - Объект бўйича геология-қидирув ишларининг умумлашма сметаси.....	86
6-илова СМ 2Г шакли - Объект бўйича геология-қидирув ишларининг смета қийматини умумлашма ҳисоб-китоби.....	87
7-илова – Лойихага оид қўшимчалар ва ўзгартиришлар титули.....	89
8-илова – Сметага оид қўшимчалар ва ўзгартиришлар титули.....	90
9-илова – СМ 1ДГ шакли - Геология-қидирув ишлари лойихасига қўшимчалар киритиш ва ўзгартириш бўйича умумлашма смета.....	91
10-илова – СМ 2ДГ шакли – Лойихага киритиладиган қўшимчалар бўйича геология-қидирув ишлари смета қийматининг умумлашма ҳисоб-китоби.....	92
11-илова – Илмий-тадқиқот ва мавзуга оид ишларни ўтказиш бўйича дастурнинг титули.....	94

12-илова – Илмий-тадқиқот ва мавзуга оид ишларни ўтказиш бўйича смета титули.....	95
13-илова – Мавзу (дастур) бўйича иш сарфининг умумлашма жадвали.....	96
14-илова – Ишларни бажариш календар режаси.....	97
15-илова – Лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш учун ёрлик намунаси.....	98
16-илова – Геология-қидирув ишлари объектига геологик топшириқ тузиш тартиби.....	99
17-илова – Геология-қидирув ишларини олиб бориш учун вақтинчалик нормаларни ишлаб чиқиш тартиби.....	103
18-илова – Ўз компрессор қурилмалари билан ишлаб чиқилган сиқилган ҳавонинг 1 куб м нархини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар.....	113
19-илова – Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар қийматини аниқлашда унумли юклама коэффициентини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар.....	115
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	120

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Геология-қидирув ишлари лойиҳалари ва сметаларини жорий нархларда тузиш бўйича мазкур Йўриқнома (кейинги ўринларда-Йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунига (янги тахрирдаги) ва Давгеолқўм тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, геология ташкилотларининг геология-ишлаб чиқариш ва режалаш-молия фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тўпламига киради ва геология-қидирув ишларини давлат маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигидаги махсус мақсадли ҳисоб рақамидаги маблағлар ҳисобига олиб боровчи Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотлари томонидан бажарилиши шарт бўлган тармоқ норматив ҳужжати ҳисобланади.

Йўриқнома, геология-қидирув ишларини ўз маблағлари ҳисобига олиб боровчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун тавсиявий тавсифга эга.

Йўриқнома ер қаърини геологик ўрганиш, шу жумладан геология-қидирув, илмий-тадқиқот (ИТИ), мавзуга оид, тажриба-услубий (ТУИ), тажриба-конструкторлик (ТКИ) ишларига доир ишларни бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари (ЛСХ)ни тузишга доир асосий талабларни тартибга солади

2. Ер қаърини геологик ўрганиш (ЕГЎ) ишлари деганда, ер қаърини геологик тузилишини, унда мавжуд бўлган захиралар миқдори ва сифатини, уларнинг технологик хоссаларини, шунингдек бошқа хоссаларини ўрганиш мақсадида ер қаърини регионал геологик ўрганиш, фойдали қазилмалар конларини излаш, баҳолаш ва қидириб чамалашга оид геологик ва бошқа маълумотларни олишга қаратилган барча турдаги тадқиқотлар тушунилади.

Ер қаърини геологик ўрганиш, бевосита геологик ахборотларни берувчи иш турларини, ва айнан ГҚИларини бажарилишига ёрдам берувчи, улар билан бирга олиб бориладиган ишларни ва харажатларни ўз ичига олувчи, бевосита геология-қидирув ишларига (ГҚИ) бўлинади.

**3.** Геология-қидирув ташкилотлари атамаси ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни бажарувчи барча ишлаб чиқариш бирликларини ўз ичига олади.

**4.** ГҚИларини олиб боришга доир лойиҳа-смета хужжатлари лойиҳа ва сметалардан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги “Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва тўлдириш Давлат дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” 297-сонли Қарорининг 1-иловасига мувофиқ лойиҳалаштириш учун асос ҳисобланувчи геологик топшириқ бериладиган объектларга тузилади.

**5.** Геологик топшириқ, объектдаги геология-қидирув ишларининг мақсадли йўналиши, вазифалари, уларни олиб бориш услублари ва таркибини, кутилаётган натижаларни ва амалга ошириш муддатларини белгилайди.

Геологик топшириқ Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ тузилади ва лойиҳа-смета хужжатларининг бош қисмида жойлаштирилади.

**6.** Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш қуйидагиларни ўз ичига олади: тайёргарлик ишлари ва лойиҳалаштириш.

Тайёргарлик ишлари ахборот базасини яратиш, коннинг (тадқиқот объектини) дастлабки моделини тузиш ва концептуал лойиҳавий ечимларни қабул қилиш учун амалга оширилади. Тайёргарлик ишлари умумий лойиҳага биринчи босқич сифатида киради.

Лойиҳалаштириш, иш олиб бориладиган районнинг экологик вазиятини, табиий шарт-шароитларини ва геологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда объектни аввалги тадқиқ қилиш маълумотлари асосида тайёргарлик даврида ишлаб чиқиладиган тадқиқот объектнинг дастлабки модели негизида амалга оширилади.

Геологик лойиҳа геологик топшириқни ҳеч қандай зарур бўлган ишларни йўлга қўйишни асосланиши, уларнинг турлари ва ҳажмларини ўз ичига олади. Зарур ҳолларда якуний геологик вазифани ҳал қилиш бир неча босқичда бажарилади. Ҳар бир кейинги босқич олдингиси кўриб чиқилганидан сўнг бажарилади.

Смета, лойиҳа ишлаб чиқилганидан сўнг ҳисобланади.

## **2-БОБ. ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИ ТАРКИБИ**

**7.** ЛСХ таркибига қуйидаги ҳужжатлар ва материаллар киритилади:

- а) ер қаърини геологик (техник) жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни бажаришга топшириқ;
- б) ер қаърини геологик ўрганиш ишларини олиб боришга лойиҳа;
- в) лойиҳа бўйича ишлар қийматининг ҳисоб-китоби (кейинги ўринларда – смета);
- г) лойиҳа бўйича ишларни бажаришнинг календар режаси;
- д) экспертиза хулосаси;
- ж) ЛСХларни Давгеолқўм ИТҚда белгиланган тартибда кўриб чиқилганлигига доир баённомалар;
- з) ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни олиб бориш учун ер участкаларни вақтинча банд қилинишига доир жойлардаги маҳаллий давлат идораларининг рухсатномаси.

**8.** Ишларни, узоқ вақтни талаб қилувчи ва бажарилиши мураккаб бўлган шароитларда олиб боришда, турли даражалардаги геологик

вазифаларни ҳал қилишнинг услублари ва технологияси аниқ бўлмаган ҳолатларда Бош лойиҳалар тузилиши мумкин, улар доирасида муддатлари илгари амалга оширилган ишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида лойиҳаларда (алоҳида босқичлар, вазифалар бўйича) тузиладиган геологик топшириқ билан белгиланади.

9. Геологик ташкилотлар (корхоналар), олиб борадиган геология-кидирув ишлари ва ташкилий тузилишидан келиб чиқиб ушбу йўриқнома асосида, лойиҳа-смета ҳужжатларини соддалаштириш мақсадида, намунавий лойиҳалар макетларини, услубий тавсияларни ва кўлланмаларни ишлаб чиқишлари мумкин.

### **3-БОБ. ЛОЙИҲА БОБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИ**

10. Лойиҳанинг барча бобларида, геологик топшириқни ҳал қилиш усулларини, шунингдек режаланётган иш ҳажмларини асослаш учун ҳал қилинадиган геологик топшириқ билан боғлиқ минимал даражадаги зарур ҳажмдаги маълумотлар келтирилади.

Лойиҳанинг номи геологик топшириққа мос келиши ва объект номини, ишларнинг йўналиши ва босқичини (ёки режа қисмини) акс эттириши лозим.

Лойиҳа қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- 1) Лойиҳалаштириш учун дастлабки маълумотлар
- 2) Геологик топшириқни ҳал қилиш услубиёти
- 3) Лойиҳаланаётган иш турлари ва ҳажмлари. Вақт сарфларини ҳисоблаш
- 4) Хавфсизлик техникаси ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар
- 5) Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси
- 6) Лойиҳага иловалар

### **«Лойихалаштириш учун дастлабки маълумотлар» бўлими**

Ушбу бўлим қуйидагилардан ташкил топади:

а) геологик ўрганилаётган объект тўғрисида умумий маълумотлар - унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўрни тўғрисида маълумотлар;

б) иш олиб бориладиган доирадаги номенклатура листлари рўйхати;

в) иш участкалари бурчак нуқталари географик координатлари кўрсатилган ҳолдаги объектнинг макон бўйича чегаралари;

г) ишларни бажаришнинг физик-географик шароитлари;

д) ЛСХларини тузиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа шарт-шароитлар;

е) илгари бажарилган тадқиқотларнинг умумий обзори, уларнинг қисқа тавсифи ва илмий-тадқиқот ва мавзуга оид ишлар натижалари бўйича объектни ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳолда натижаларнинг қисқа таҳлили;

ж) қуйидаги асосий геологик тавсифларини баён қилган ҳолда ўрганилаётган объектнинг геологик тузилиши тўғрисидаги маълумотлар: стратиграфия, структура, тектоник, магматик (шу жумладан эффузив ва гипабиссиал магматизм), геокимё, минерагеник, шу жумладан фойдали қазилмаларнинг прогноз ресурслари ва захиралари тўғрисидаги маълумотлар (зарур ҳолларда ўрганилаётган районнинг гидрогеологик, геофизик, геоэкологик, муҳандислик-геологик ва бошқа шароитлари тавсифланади).

### **«Геологик топширқни ҳал қилиш услубиёти» бўлими**

Умумлаштирувчи бўлим бўлиб, унда ишларни умумий мақсаддаги йўналиши (мақсад вазифаси) ва уни амалга ошириш учун ҳал қилинадиган умумий ва алоҳида масалалар белгиланади.

Тадқиқ қилинаётган муайян объектлар – майдонлар, истиқболли участкалар, структуралар, маъдан зоналари, сувли горизонтлар, ўрганилаётган оптимал чуқурликнинг танлаш усуллари асосланади. Зарур

ҳолларда лойиҳалаштиришнинг бориши чоғида аниқланган ва геологик топшириқда кўзда тутилмаган масалаларни ҳал қилиниши асосланади.

Геологик топшириқда қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун оптимал услубиёт танланади ва асосланади:

- ер устидаги илгарилама геологик ишлар турлари ва ҳажмларини танлаш (излаш-тасвирлаш, геохимё, геофизик ва б.);

- кончилик, бурғилаш, намуналаш ишлари тўлиқ тўплами мавжуд кидирув тўри (иш босқичидан келиб чиққан ҳолда).

Кўзда тутилаётган барча иш турларининг физик ҳажмлари (дона., км<sup>2</sup>, п.м, м<sup>2</sup>, м<sup>3</sup> ва б.) аниқланади. Кейинги бўлимларни тузиш чоғида кўргазмали ва қулай бўлиши учун кўзда тутилаётган барча иш турлари ва ҳажмларини қуйидаги умумлаштирувчи жадвалда келтириш зарур.

Зарур бўлганда, муайян вазифаларни, шунингдек объектларнинг ўзига хос жиҳатларини тўлиқ ўрганишни таъминловчи принципиал техник масалаларни ҳал қилиш усуллари муфассал кўриб чиқилади.

Геологик топшириқни бажариш услубиётини ҳал қилишга оид лойиҳавий ечимлар объектларни ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олинган ҳолда тўлиқ ўрганилишини таъминлаши зарур.

### **Иш ҳажмларининг умумлашма жадвали**

Иш номлари	Ўл. бирлиги	Миқдори	Бошқа параметрлари (дона, узунлиги, чуқурлиги)
1	2	3	4

### **«Иш турлари ва ҳажмлари. Вақт сарфини ҳисоблаш» бўлими**

Ушбу бўлимда “Геологик топшириқни ҳал қилиш услубиёти” бўлимида, яъни смета ҳисоб-китобларини тузиш учун етарли даражадаги маълумотларнинг тўлиқ тўпламида, келтирилган ишларни амалга ошириш шарт-шароитлари, усуллари, техник воситалар ва технологиялар танланишининг асослари келтирилади:



### **«Ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар» бўлими**

Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мувофиқ ГҚИлари олиб бориладиган ҳудудда, иш турлари ва ҳажмларини асослаган ҳолда, ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазасини таъминловчи тадбирлар мажмуи келтирилади.

"Атроф муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар" бўлими қуйидаги ахборот ва маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

а) атроф муҳитга кўрсатиладиган таъсирни баҳолаш материаллари;

б) лойиҳада кўзда тутилган ГҚИларини атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш ва (ёки) кўрсатиш эҳтимолини камайтириш ва ГҚИларини олиб бориш даврида табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш бўйича тадбирлар рўйхати;

в) аҳоли яшаш пунктлари, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар ва объектлар, санитария-ҳимоя зоналари, сувни муҳофаза қилиш зонаси, ичимлик суви манбаларини муҳофаза қилиш зонаси (агар иш районида мавжуд бўлса) чегараларини кўрсатган ҳолда ГҚИлари олиб бориладиган районнинг харита-схемаси;

### **«Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси» бўлими**

Бўлимда ГҚИларини олиб боришда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича тадбирлар, хавфсизлик техникаси бўйича амалдаги норматив ҳужжатларнинг аниқ бўлимлари ва бандларини кўрсатган ҳолда, асосланади.

### **«Лойиҳага иловалар» бўлими**

Лойиҳага қуйидагилар илова қилинади:

- манфаатдор ташкилотлардан олинган техник топшириқ;
- лойиҳани ишлаб чиққан ва лойиҳани тасдиқлаган ташкилотлар томонидан лойиҳа кўриб чиқилганлигига доир баённома;
- лойиҳанинг манфаатдор ташкилотлар билан келишилганлигига доир ҳужжатлар (зарур ҳолларда);
- иш районининг обзор хариталари;

- ўрганилганлик картограммаси;
- илгари ўтилган ва лойиҳаланаётган кон иншоотлари, кузатиш нуқталари, маршрутлар, объектларни, геофизик профилларни ва лойиҳаланаётган бошқа иш турлари текширганлиги акс эттирилган ҳолда, амалдаги материаллар харитаси;
- махсус аналитик ва умумлаштирувчи хариталар ва кон (тадқиқот объекти)нинг табиий ва прогноз моделини акс эттирувчи бошқа карографик материаллар;
- лойиҳаланаётган кесимлар, колонкалар, графиклар ва бошқа график ва жадвалга оид материал;
- фойдаланилган манбалар рўйхати.

**11.** Агар, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш чоғида ер қаъри тўғрисида ёки бутун иш комплексини лойиҳалаш учун бошқа ахборот ва маълумотлар мавжуд бўлмаса, ишларни кетма-кет бажарилишини кўзда тутувчи босқичларга бўлишга йўл қўйилади.

Бундай ҳолда лойиҳаланаётган ҳужжатларни ҳар бир кейинги босқичга тайёрлаш, олдинги босқичдаги ишларнинг бажарилишини бориши чоғида олинган геологик ахборот асосида амалга оширилади.

**12.** Умумий табиий-техноген шароитлар бўйича дастлабки маълумотлар матнда ёки жадвал шаклида келтирилади.

Ахборотларнинг тўлиқ ва муфассаллиги, унинг ўрганилаётган объектга таъсир кўрсатиш даражасига боғлиқ.

**13.** Лойиҳани тайёрлаш ишларини амалга оширувчилар, унга қўшимча бўлимларни ва бошқа ҳужжатларни, материалларни ва маълумотларни (Йўриқномада кўзда тутилганлардан ташқари), шу жумладан тавсия этилаётган лойиҳавий ечимларни асослаш учун, зарур бўлган график иловаларни киритишлари мумкин.

#### 4-БОБ. ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**14.** Лойиҳаланаётган ишлар, мураккаблигидан келиб чиқиб, ЛСҲлар *мураккаб ва оддийга* бўлинади.

**15.** *Оддий лойиҳалар* – лойиҳаланаётган усуллар ва уларни қўйилган вазифаларни ҳал қилиш жараёнида бажарилиш кетма-кетлиги, шунингдек лойиҳаланаётган иш турлари умум қабул қилинган (нашр этилган, тасдиқланган) ва одатда фойдаланиладиган услубиётлар доирасидан ташқарига чиқмайдиган лойиҳалар ҳисобланади.

*Мураккаб лойиҳалар* – кўзланган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиниши лойиҳани алоҳида ажратилишини талаб қилувчи, кўп ҳолларда турлича режаланадиган, бироқ қатъий тарзда ўзаро боғлиқ ва маълум кетма-кетлик босқичларда бажариладиган, шунингдек янги услубиёт йўлларини (зарур ҳолларда) ва янги (камдан-кам фойдаланиладиган) иш турларидан фойдаланиладиган лойиҳалар ҳисобланади.

**16.** Қуйидагилар ишларни амалга оширишни лойиҳалаштиришнинг асосий ўзига хослиги ҳисобланади:

- а) бундай ишларни амалга ошириш заруратини асослаш;
- б) қўйилган мақсадлар ва ҳал қилинадиган вазифаларни конкретлаштириш ва деталлаштириш;
- в) геологик мазмундаги кутилаётган натижаларни конкретлаштириш ва деталлаштириш;
- г) геологик-иқтисодий мазмундаги кутилаётган натижаларни конкретлаштириш ва деталлаштириш;
- д) янги (камдан-кам ишлатиладиган) услубиётлар ва иш турларидан, улар лойиҳаланаётган бўлса, фойдаланишни асослаш. Янги

услибиётларнинг муфассал баёни ”Ишлар услубиёти” бўлимида келтирилади.

**17. Регионал ГҚИлари ва геология-тасвирлаш ишларига қуйидагилар киради (ГҚИларининг I ва II босқичи):**

а) геологик мазмунидаги хариталарни, унинг йирик маъмурий бирликларини (туманлар, вилоятлар гуруҳлари), кон-маъдан, геология-экологик ва б. районларни ва/ёки 1:500 000-1:50 000 масштабли расмий тасдиқланган листлар серияларини мамлакат ҳудудига актуализация қилиш билан боғлиқ ишлар;

б) йирик регионларнинг геологик тузилиши ва 1:100000 – 1:50000 масштаб доирасида фойдали қазилмаларни жойлашиш қонуниятларининг асосий хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи ГДП ва ГГКларни олиб бориш учун геологик-геофизик асосларни яратиш мақсадида геологик-геофизик (ер усти гравик қидирув, магнит қидирув, электр қидирув) ишлари;

в) кон-маъдан, геология-иқтисодиёт ва ш.к. районларни ва /ёки 1:200 000-1:50 000 масштабли расмий тасдиқланган листлар майдонларини (ГДП) сўнги маълумотларни олиш учун геологик ўрганиш;

г) зарур ҳолларда қидирувнинг геофизик усулларида фойдаланган ҳолда йирик маъмурий бирликлар (туманлар, вилоятлар гуруҳлари)ни, кон-маъданли, геологик-иқтисодиёт ва ш.к. районларни ва/ёки 1:200 000-1:50 000 масштабли расмий тасдиқланган листлар майдонларини чуқур геологик хариталаш (ГГК);

д) йирик маъмурий бирликлар (туманлар, вилоятлар гуруҳлари), кон маъдан, геологик-иқтисодиёт районларини ва б. /ёки 1:500 000-1:50 000 масштабли расмий тасдиқланган листлар майдонлари атрофида мавзуга оид, илмий-тадқиқот (стратиграфик, петрологик, геокимёвий, геофизикавий, структуравий, геоморфологик, гидрогеологик ва б.) ишлари;

е) йирик маъмурий бирликлар (туманлар, вилоятлар гуруҳлари), кон маъдан, геологик-иктисодиёт районларини ва алоҳида тоғ иншоотларини ва/ёки 1:500 000-1:50 000 масштабни расмий тасдиқланган листлар майдонлари атрофида тафсирлаш ва изоҳлаш.

**18. Регионал геологик-тафсирлаш ишларини лойиҳалашда:**

а) илгари тузилган хариталарни замонавий стандартларгача келтириш учун аэрогеофизик, геокимёвий, геофизик, бурғилаш, тоғ-кон қазилма ва б. ишлар;

б) лойиҳаланаётган ишларнинг асосий йўналишлари стратиграфик, структуравий, петрологик, геокимёвий, геофизик, геоморфологик, гидрогеологик, тафсирлаш ва изоҳлаш (МАКС/МДЗЗ) ва б. бўйича фойдаланилиши лойиҳаланадиган барча услубиётларнинг қисқача тафсири келтирилади;

**19.** Барча санаб ўтилган ишларни, зарур ҳолларда (талаб даражасида) уйғунлаштирилган ҳолда бажаришга йўл қўйилади.

**20.** Излаш ишларини лойиҳалаш қуйидагиларга асосланади:

а) тайёргарлик кўриш ишлари жараёнида геология-геофизик материалларни таҳлили асосида объект моделини тузиш;

б) асосий иш турларининг (геологик, геофизик, кончилик ва бурғилаш) камида 50% ҳажмини муайян майдонларга, профилларга, нуқталарга боғлаш.

**21.** Баҳолаш ва қидирувга оид ГҚИларини лойиҳалаштиришда излаш босқичи (илгари ўтказилган) маълумотларига асосланади ва у техник-иктисодий асосларни (кейинги ўринларда - ТИА) тузиш учун зарур бўлган, яъни лойиҳаланаётган объектнинг саноат аҳамиятини аниқлаш учун, комплекс ишларни кўзда тутиши зарур.

Шундан келиб чиқиб, асосий иш турларининг 75%гача бўлган ҳажми муайян профилларга ва нуқталарга, майдонларга, структураларга боғланган бўлиши лозим.

**22.** Кенг тарқалган қурилиш материаллари ва ер ости сувлари конларини излаш, баҳолаш ва қидириб чамалашни лойиҳалашда истеъмол қилувчининг техник топшириғи ва ер эгасининг ер қаъри участкасини ажратишга доир розилиги мавжуд бўлганда, ЛСХ барча иш босқичлари учун бир вақтнинг ўзида тузилиши мумкин.

**23.** ИТИ, ТУИ, тажриба-конструкторлик (ТКИ) ва мавзуга оид ишларни лойиҳалашда дастурда тадқиқ қилинадиган объект бўйича янги илмий-техник маҳсулот (маълумот) олиш зарурлиги асосланади.

ТКИда мавжуд такомиллаштириш ва янги техник воситаларни, ГҚИларини олиб боришнинг техник-услубиёти ва технологик усулларни яратиш ҳисобига қўшимча ахборотларни олиш имкониятлари асосланади.

Илмий-техник маҳсулотни яратишга доир ишларнинг лойиҳаси геологик (техник) топшириқни бадариш учун зарур бўлган, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади.

**24.** Илмий-техник маҳсулотларни яратиш ишларига доир лойиҳа алоҳида бўлиши ёки объектдаги барча ГҚИларини ўтказишнингш умумий лойиҳасида алоҳида бўлим бўлиб киритилиши мумкин.

## **5-БОБ. АЙРИМ ИШ ТУРЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**25.** Бевосита геология-қидирув ишларига қуйидагилар киради:

- 1) тайёргарлик ишлари;
- 2) лойиҳалаштириш;

- 3) дала ишлари (шу жумладан материалларни далада камерал ишлаш);
- 4) бошқа дала ишлари ва харажатлар;
- 5) Лаборатория ва технологик тадқиқотлар;
- б) дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган ГҚИлари: камерал, харита тузиш ва нашр қилиш ишлари;
- 7) мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, тажриба-услугиёт ишлари;
- 8) дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган ГҚИлари тури.

## **§1. Тайёргарлик кўриш ишлари**

**26.** Тайёргарлик ишлари қуйидагилардан иборат:

- а) фонд, архив ва нашр қилинган материалларни тўплаш;
- б) тўпланган маълумотларни тартибга солиш ва таҳлил қилиш;
- в) тоғ жинслари, керн намуналари коллекциялари ва объект жойлашган ҳудуд ва унга туташ ҳудудлар бўйича лойиҳа тайёрлаш ишлари амалга ошириладиган ер қаъри тўғрисида дастлабки геологик маълумотларни ташувчи бошқа материаллар билан танишиш;
- г.) зарурат бўлса, объект жойлашган ва унга туташган ҳудудлар бўйича аэро- ва космик тасвирларни дастлабки комплекс тафсирлаш;
- д) кон (тадқиқот объекти)нинг дастлабки моделини ишлаб чиқиш ва илгариги босқичлардаги ишларни бажарилиш даражасини, олинган маълумотларни ишончилигини аниқлаш мақсадида тадқиқот ҳудудларини хариталар, жадваллар ва графикларни тузиш учун зарур бўлган аэро - ва космик тасвирлар, топопланшетлар ва бошқа материаллар билан таъминланганлигини аниқлаш.

Тайёргарлик кўриш даврида жойни рекогносцировкалаш асосида, шунингдек танланган ҳудудда ишларни олиб боришнинг ташкилий-техник

ва бошқа масалалари, ердан фойдаланувчилар ва бошқа маҳаллий идоралар билан ўзаро муносабатлар ҳал қилинади.

Тайёргарлик кўришга доир материаллар геологик топшириқни ишлаб чиқишда фойдаланилади ва зарур ҳолларда геология ташкилотларининг тегишли инстанцияларида кўриб чиқилади.

Тайёргарлик кўриш ишларига доир харажатлар “Умумий мақсаддаги ишлар” смета нормалари тўплами бўйича ишлаб чиқилади, тўпламларда кўзда тутилмаган ишлар учун эса тасдиқланган вақт нормалари ёки смета-молиявий ҳисоб-китоблар(СМХ) билан ҳисобланади.

## **§2. Лойиҳалаштириш**

**27.** Лойиҳа тузишда тайёргарлик даврида тўпланган маълумотлар дастлабки материаллар бўлиб ҳисобланади. Ушбу бўлимда кўриб чиқиладиган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

- а) майдонни ва ўрганиладиган чуқурликни танлаш;
- б) кўриб чиқиладиган ҳудуднинг табиий шароитлари ва тадқиқ этиладиган объектнинг хусусиятларига нисбатан мақсадли йўналиши (вазифаси) дан келиб чиққан ҳолда тадқиқот масалаларини таърифлаш;
- в) илгари ўтказилган ишлар натижаларининг тўлиқ ва ишончлилигини таҳлили;
- г) геологик топшириқни ҳал қилиш усуллари ва ишларнинг зарур турлари ва ҳажмларини танлаш;
- д) ўрганилганликни, излашга оид белгиларнинг мавжудлиги ва намоён бўлиши, объектлар параметрларини, қабул қилинган кузатиш тўрларини, тадқиқи қилиш масштабини, лойиҳаланаётган ўрганиш чуқурлигини асослаш ва ойдинлаштириш учун зарур бўлган график материалларни тузиш;
- е) керакли маълумотномаларни тайёрлаш;
- ж) смета тузиш.

Лойиҳа ва смета геологик экспертизага тақдим қилинади, билдирилган эътирозлар бўйича қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилади.

### **§3. Дала ишлари**

**28.** Объектни геологик ўрганиш ва бевосита унинг худудида бажариладиган ишлар билан боғлиқ бўлган барча ишлар ва тадқиқотлар (шу жумладан геологик ва геофизик материалларни далада камерал ишлаш) дала ишларига киради.

**29.** Иш турларини олиб боришда ва баён қилишда лойиҳага қуйидаги ахборот ва маълумотлар лойиҳага киритилади.

**30.** Геологик тасвирлаш, илгари тасвирланган майдонларни мукаммал геологик ўрганиш, комплекс тасвирлаш, чуқур геологик хариталаш, илгари тасвирланган геофизик ва гидрогеологик мукаммал ўрганиш, МАКС/ДЗЗ тафсирлаш ва талқин қилиш натижаларини тасдиқлаш, излаш ва излаш-баҳолаш ишлари чоғида геологик мазмундаги ер усти маршрутлари учун:

а) регионал тадқиқотлар ва излаш ишлари майдони ва жойнинг ўткзиш хусусияти учун тавсифли бўлган ўрганилганлик даражаси ва геологик тузилишининг мураккаблиги, майдонларни ёпилганлик даражаси, аэро- ва космик тасвирларни тафсирлаш маълумотлари, илгарилама геофизик ва геохимёвий тадқиқотлар маълумотлари, аниқланган аномалиялар, белгилар ва муайян турдаги фойдали қазилмалар шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш, назорат-боғлаш, излаш ва бошқа маршрутларнинг тури ва параметрларини асослаш. Шу билан бирга назорат-боғлашга оид геологик, гидрогеологик ва бошқа маршрутлар объект майдонининг геологик, гидрогеологик ва бошқа параметрларининг

максимал ўзгариши кузатиладиган йўналишлар бўйича, шунингдек тоғ жинслари очилиб қолган жойлар, геофизик ва бошқа аномалиялар, ер ости сувларининг ер юзасига табиий чиқиб қолган жойларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади;

б) маршрут тури, тўрининг зичлиги, ўрганиш чуқурлиги, шлихли тадқиқотлар, штуфли, геокимёвий ва бошқа намуналар олинадиган жойлар, асосий очилмалар ва сув манбалари баёни, копушалар ўтиладиган ва хариталаш учун бурғиланадиган, геокимёвий, геофизик ва радиометрик намуналанадиган жойлар ҳамда маршрутлар мақсади ва шарт-шароитига тегишли бўлган бошқа параметрларни (маршрут хариталарини) асослаш;

в) илгари тасвирланган, бироқ фойдали қазилмаларнинг белгилари ва асослари етарли даражада ўрганилмаган майдонларни геологик жиҳатдан мукамал ўрганишда таянч участкалар майдонларида маршрут тўри 1:25 000 - 1:50 000 масштабга қадар зичлаштириладиган участкаларнинг баёни ва асосланиши, шунингдек излаш отрядлари томонидан 1:10 000 - 1: 25 000 масштабга мос тарздаги зичликда алоҳида излаш маршрутларини олиб борилиши асослари;

г) илгарилама ва регионал ишлар жараёнида аниқланган ва маъданни назорат қилувчи ва маъдан қамровчи геологик ҳосилаларни кузатишни, излаш белгилари ва мезонлари бўйича локализацияланишини ва прогноз ресурсларни баҳолашни таъминловчи истиқболли участкалар майдонларини 1:10 000 - 1:5 000 масштабдаги излаш маршрутларининг параметрлари;

д) 1:1 000 000, 1:50 000 масштабда майдонларни кўп мақсадли геокимёвий тасвирлаш, тоғ жинсларининг қазиб олинмиш тоифаси, бўшоқ жинслар ётқизиқлари тавсифи ва уларнинг қалинлиги, грунт сувлари, жинсларнинг петрографмик таркиби, маълум ореоллар ва тарқалиш оқимлари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда бирламчи ва иккиламчи ореоллар ва тарқалиш оқимлари бўйича геокимёвий излашни ташкил қилишдаги маршрут тўри параметрлари;

е) профиллари, зичлиги, чуқурлиги ҳамда ореоллар ва тарқалиш оқимлари бўйича 1 кв. км. майдонда олинадиган намуналар сонини кўрсатган ҳолда литокимёвий, гидрогеокимёвий, атмогеокимёвий намуналарни ҳажмларини асослаш; ,

ж) геокимёга доир маршрутларни регионал ва излашга оид геологик маршрутлар ва шлихли намуналар билан бирлаштириш (бирлаштиришнинг заруратининг мавжуд эмаслиги)ни асослаш;

з) маршрутдаги, хариталашга оид қудуқларни бурғилаш, ер юзасидаги кон иншоотларини (канавалар, копушалар) қазил билан бир вақтда олиб бориладигани ишлар тўғрисидаги маълумотлар;

и) намуна материалларини ишлаш тартиби ва жойи, дастлабки маълумотларни ишлаш турлари ва воситалари;

к) услубиёт ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда навигациянинг спутник тизимлари, топопланлар ёки топохариталардан фойдаланилган ҳолда намуналар олинадиган, қудуқлар бурғиланадиган, тоғ иншоотлари ўтиладиган жойларнинг маршрут хариталари параметрларини асослаш.

**31.** Тоғ жинслари ва фойдали қазилмалар намуналарини олишга доир ишлар учун:

а) объектнинг ўрганилганлик даражасини, фойдали қазилмалар турлари, илгари ўтказилган ишлар натижаларини, геологик тузилишининг мураккаблигини, объектнинг структуравий ва морфологик хусусиятларини, маршрут турлари параметрларини, объектдаги илгари ўтилган тоғ иншоотлари, қудуқлар билан тўйинганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда намуналарни тизимини асослаш;

б) тоғ жинсларининг қаттиқлиги, бурғиланувчанлиги, майдаланувчанлиги, кумларнинг ювилиши тўғрисидаги маълумотлар;

в) кўзланган ишлар олиб бориладиган жойлардаги геологик вазиятни аниқлаштириш учун якка (штуфли), геокимёвий, кернли, шпурли ва бошқа намуналарни олишни асослаш;

г) фойдали қазилмалар белгиларини ва асосларини аниқлаш, истиқболли участкаларни чегаралаш, маркировкакаш горизонтлари ва истиқболли участкаларни кузатиш, кесимлар ва горизонтлар бўйича планларни тузиш, ресурсларни геологик-иқтисодий баҳолаш ва асосий ва бирга ётувчи ва бирга учровчи фойдали қазилмалар захираларини баҳолаш мақсадида объект бўйича ягона намуналар параметрларини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда намуналар тизимини асослаш;

д) ҳар бир намуна ёки оддий, гуруҳли ва назорат намуналари бўйича ўлчов бирликлари, намуналарни ўрганилаётган структураларга нисбатан чуқурлиги ва ориентацияси, геометрик ўлчамлари, ҳажми ва оғирлик кўрсаткичлари талабларига мувофиқлигини асослаш, уларни маркировкакаш ва қадоқлаш тартибини баён қилиш;

е) тайёргарлик кўриш ва лаборатория ишлари талабларига мувофиқ тарзда намуналарни ишлаш тартибини ва кейинги аналитик тадқиқ қилишни асослаш;

ж) олмос, слюдалар, асбест хом ашёлари, пьезооптик ва ярқирама тош хом ашёларига оид илгарилама излаш, баҳолаш ва қидириб чамалаш ишларини лойиҳалашда намуналарнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи ва уларнинг ишончилиги ва намуналарини таъминловчи намуналарни олишнинг ихтисослаштирилганлиги ва уларни ишлаш усуллари баёни;

з) фойдали қазилманинг технологик хоссаларини ўрганиш учун намуналар ҳажми ва миқдорини аниқлашни асослаш.

### **32. Намуналарни ишлашга оид ишлар учун:**

а) намуна материални майдалаш, қисқартириш, қадоқлаш ва маркировкакашга оид операцияларнинг кетма-кетлигини кўзда тутувчи лаборатория тадқиқотлари услубиёти ва технологик схемаларга мувофиқ намуналарни ишлаш усуллари асослаш ва баён қилиш;

б) намуналарни ишлаш схемаси.

**33.** Углеводород хом ашёлари, ер ости сувларига излаш ишлари учун:

а) аниқланган белгилар ва асослар бўйича аномал участкаларни ва локализацияланишларни аниқлаган ҳолда геологик тузилишининг мураккаблиги ва ягона намуналарининг асосий кўрсаткичлари қонуниятларини аниқлаш талабларидан келиб чиқиб, ўрганилаётган майдонлар чегараларида намуналаш чуқурлиги, қалинлиги ва зичлигини асослаш;

б) ер усти ва ер ости сув пунктлари, оқимлари, ҳавзалари бўйича ер ости сувлари учун тавсифли бўлган био- ва гидрогеокимёвий усуллар асосида уларни излаш ва сифатини аниқлашга доир маршрутларда маршрут тўрини ва ишлар таркибини ва уларга тегишли аналитик усуллар ва картографик материалларга нисбатан талабларни асослаш;

в) тупроқ ҳавоси намуналарини олиш ва намуналарни ишлашнинг устувор атмогеокимёвий усуллар сифатида фойдаланилган ҳолда ёнувчи газлар, нефт, кўмир ва ёнувчи сланецларнинг газсимон эманациялари ва аэрозолларининг тавсифини ўрганиш учун углеводород хом ашёларини излаш ишларини олиб бориш чоғидаги маршрут тўрини асослаш.

**34.** Қаттиқ фойдали қазилмаларни излаш ва қидириб чамалашда геокимёвий ишлар учун:

а) геологик топшириқ, иш масштаби, априор геокимёвий излаш модели ва методологик ҳужжатлар асосида асослаш ва баён қилиш, излаш ишларини олиб боришнинг оптимал геокимёвий усули (ёки комплекс усуллар) аниқланади;

б) намуналарни олиш, назорат намуналарини ҳисобга олган ҳолда, намуналарнинг олинадиган оптимал сонини аниқлаш схемаси;

в) намуналарни олиш ва далада ишлаш технологиясининг баёни;

г) қабул қилинган излаш моделига мувофиқ намуналарни лабораторияда ишлаш ва аналитик усулларнинг рационал комплекси

схемасини (аниқланадиган элементлар ва уларни аниқлаш ҳадлари рўйхати билан) асослаш;

д) фойдаланиладиган дастурий таъминот кўрсатилган ҳолда геохимёвий маълумотларни ишлаш ва талқин қилиш услубиётининг қисқача баёни;

е) тадқиқотларнинг бошқа усуллари билан уйғунлаштириш бўйича тавсиялар;

ж) тажриба-услубиёт ишларини йўлга қўйишни асослаш ва уларни амалга ошириш услубиёти баёни (кўрсатилган қўшимча ишлар олиб борилган ҳолда).

### **35. Гидрогеологик ва улар билан боғлиқ ишлар учун:**

а) ўрганиш услубиётини ва олдинги тадқиқотлар материалларини тўплаш;

б) рекогносцировка қилиш, аэровизуал ва маршрутга оид тадқиқот услубиётини асослаш;

в) 1:200 000 - 1:50 000 ёки ундан катта масштабга доир геофизик, гидрометрик, гидрогеохимёвий, ландшафт, геоботаник, масофавий аэро – ва космик усуллари қўллаган ҳолда гидрогеологик шароитларни маршрутли ва/ёки майдонли ўрганиш услубиётини асослаш;

г) майдонли ва акваториал геофизик тадқиқотлар услубиётини асослаш;

д) излаш, қидириб чамалаш, чамалаш-эксплуатацион, хариталаш ва кузатиш кудуқларини бурғилаш услубиётини асослаш;

е) кудуқлардаги геофизик тадқиқотлар услубиётини асослаш;

ж) сув ва жинс намуналарини олиш услубиётини асослаш;

з) синов, тажриба (тўда ва якка) ва тажриба-эксплуатацион сув тортиб чиқариш ва сув юбориш услубиётини асослаш;

и) тажриба-миграция ишлари услубиётини асослаш;

к) ажратилган истиқболли участкаларда бўлгани каби, баҳоланаётганларга ўхшаш бўлган сув олиш иншоотлари учун ҳам, фойдаланилаётган ер ости сувларини олиш иншоотларини текшириш ва унинг режимини ўрганиш услубиётини асослаш;

л) участкаларнинг санитар текшируви услубиётини (ичимлик ва минерал сувлар учун) асослаш, шу жумладан ер ости сувларини булғанишдан ва улар сифатига антропогенез таъсирдан ҳимояланганлигини баҳолаш учун;

м) ер ости ва ер усти сувларининг табиий ва бузилган режимини кузатиш (мониторинг қилиш) услубиётини асослаш;

н) топографо-геодезик ишлар услубиётини асослаш;

о) гидрометрик ишлар услубиётини асослаш;

п) ер ости сувлари учун балансга оид тадқиқотлар услубиётини асослаш;

р) гидрогеокимёвий ишлар ва махсус тадқиқотлар (изотоп, ядро-физик, сув-гелийли ёки бошқа) услубиётларини асослаш;

с) махсус технологик тадқиқотлар (саноат ва термал сувлар учун), шунингдек сувни ичимлик суви учун тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар услубиётини асослаш;

т) ер ости сувларининг олинishi атроф муҳитга таъсир кўрсатиши мумкинлигини баҳолаш мақсадида махсус гидрогеоэкологик, ландшафт ва геоботаник тадқиқот услубиётларини асослаш;

у) лаборатория ишлари услубиётини асослаш;

ф) ахборотларни математик моделлаштириш ва компьютерда ишлаш услубиётини асослаш;

### **36. Геоэкологик ва улар билан боғлиқ ишлар учун:**

а) ўрганилаётган объектда лойиҳаланаётган ишлар босқичининг геоэкологик вазифалари рўйхати ва уларни ҳал қилиш усуллари;

б) далаолди, дала ва камерал геоэкологик комплекси ҳамда улар билан боғлиқ тадқиқотлар турлари, ҳажмлари ва услубиёти баёни ва асосланиши

в) чоп этилган ва фонд материалларини ҳамда табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ишлаш ва таҳлил қилиш баёни ва асосланиши, табиий шароитда ўхшаш объект-аналогларни излаш;

г) турли тасвирлардан фойдаланилган ҳолда (оқ-қора, кўп зоналли, радиолокацион, иссиқлик қа оид ваб.) аэрокосмик материалларни экологик тафсирлашни асослаш;

д) табиий муҳит ва ландшафтни компонентлар бўйича баён қилган ҳолда маршрутли кузатувларни, ер усти ва сувли экотизим ҳолати ва ифлосланиш манбалари белгиларининг баёни ва асосланиши;

е) экологик ахборот олиш учун қудуқлар бурғилаш ва кон иншоотларини ўтиш баёни ва асосланиши;

ж) экологик-гидрогеологик тадқиқотлар баёни ва асосланиши;

з) тупроқ тадқиқотлари баёни ва асосланиши;

и) геоэкологик намуналаш ва атмосфера ҳавоси, тупроқ, грунт, ер усти ва ости сувларининг ифлосланишини баҳолаш баёни ва асосланиши;

к) лабораторияга оид кимёвий-аналитик тадқиқотларни асослаш;

л) радиацион вазиятни тадқиқ қилиш ва баҳолаш баёни ва асосланиши;

м) газ-геокимёвий тадқиқотлар баёни ва асосланиши;

н) физик таъсирларни (электромагнит нурланиш, шовқин, вибрация, иссиқли ва б. манбалар) тадқиқ қилиш ва баҳолаш баёни ва асосланиши;

о) ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини баёни ва асосланиши;

п) санитария-эпидемиологик ва тиббий-биологик тадқиқотлар баёни ва асосланиши;

р) стационар кузатувлар (экологик мониторинг) баёни ва асосланиши;

с) материалларни камерал ишлаш ва ўтказилаётган геоэкология ишлари натижалари бўйича ахборотга оид (оралиқ ва якуний) ҳисоботларни тузиш баёни ва асосланиши.

### 37. Дала сейсмик қидирув ишлари учун:

Сейсмик қидирув ишларини олиб бориш услубиёти ва техникасини асослаш:

а) дала партиясини ташкил қилиш баёни (ходимлар, иш даврлари, дала ҳужжатлари, даврий ҳисоботлар, дала материалларини қабул қилиш);

б) сейсмик қидирув аппаратуралар ва асбоб-ускуналарига нисбатан талаблар тўғрисида маълумот;

в) тебранишларни қўзғатиш ва қабул қилишнинг оптимал вариантларини танлаш;

г) қўзғалишнинг ҳар бир турининг (портлатиш, портлатишсиз) баёни ва асослаш.

Портлатиш – кудуқларда, шурфларда, ер юзасида, ҳавода, портлатиш усули – электр, зарядларни кудуқда сув, бурғилаш қоришмаси ёки тупроқ билан тиқинлаш.

Портлатишсиз – ер юзасида, синхрон ишловчи вибрацион (СВ) ёки импульсли (ГСК) манбаларнинг чизиқли ёки майдонли гуруҳларидан фойдаланилган ҳолда. Гуруҳда ишловчи ҳар бир манбанинг асосий параметрлари ўхшаш бўлиши шарт.

д) қабул қилиш шартлари баёни – сейсмик станция модели, тебранишларни қабул қилиш параметрлари, сейсмик қабул қилгичларни гуруҳлаштириш ва гуруҳ параметрлари, кабелли телеметрия.

е) 2Д, 3Д ва ВСП иши учун умумий ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатган ҳолда кузатувлар тизимлари параметрлари ва баёни.

ж) ёрдамчи ишлар (МПВ-ЗМС, МСК сейсмик қидирув, сейсмик қидирув кудуқларини бурғилаш, топографо-геодезия ишлари)ни олиб бориш ҳажмларини асослаш ва услубиёти баёни;

з) турли геологик шароитлар учун 2Д, 3Д ва ВСП сейсмик қидирув маълумотларини ишлашнинг хусусиятларини асослаш;

и) материалларни архивациялаш ва сақланишини ташкил қилиш.

**38.** Дала электр қидируви ва улар билан боғлиқ ишлар учун:

а) илгари бажарилган тадқиқотлар натижалари бўйича олинган регион жинсларининг электр хоссалари тўғрисидаги маълумотлар;

б) кузатув тўрлари, турлари, қурилмалар схемалари ва ўлчамлари, таъминловчи электродларни ерга уланиш шарт-шароитлари ва ўлчанадиган параметрлар сони, уларнинг имкониятлари ва техник тавсифлари;

в) иш усулини танланишини асослаш, қўлланиладиган аппаратуралар тури, модели ва параметрлари (ишлаётган ўлчагичлар сони, уларнинг имкониятлари ва техник тавсифлари) баёни;

г) дала материалларини ишлашнинг кетма-кетлиги ва усуллари, дала ишлари ва топографик-геодезик таъминот учун шароитларини тайёрлаш бўйича комплекс ишлар баёни;

д) биргаликда бажариладиган ишлар, хизмат турлари ва ҳажмларини асослаш ва уларнинг баёни.

**39.** Гравик қидирув ва магнит қидирув ишлари учун:

а) гравиметрлар билан ишлашда таянч ва оддий пунктлардаги кузатувлар услубиётини асослаш ва баёни;

б) тегишли асбоб-ускуналар билан ишлашда кузатувлар тизимини асослаш;

в) муфассаллаштирилиши талаб қилинадиган участкалардаги кузатув пунктлари тўрининг зичлиги тўғрисидаги маълумот;

г) жой рельефи таъсири учун тузатишлар киритишнинг зарурлигини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар ва рельеф таъсири ҳисобга олинадиган областнинг танланган радиуси ҳақидаги ахборот;

д) ёндош тасвирлашлар билан қопланганлик тўғрисидаги ахборот, алоҳида назорат кузатувларининг фоизи тўғрисидаги ахборот, харитани интерполяция қилишдаги хатоликларни баҳолаш учун қўшимча кузатув пунктлари фоизи, тадқиқ қилиниши лозим бўлган ишларнинг квадрат километр, координата пунктлари ва физик кузатувлар, профиллар узунлигидаги ҳажмлари тўғрисидаги ахборотлар;

е) ишларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги маълумотлар;

ж) жой тоифасининг асосланиши ва ишнинг зарур даражадаги аниқлигини таъминловчи транспорт турини танлаш тўғрисидаги маълумотлар;

з) тадқиқ қилинаётган район жинсларининг зичлигини аниқлашга доир ишларнинг баёни;

и) таклиф этилаётган жадаллик ёки тадқиқ қилинаётган аномалиялар, шунингдек иш шарт-шароити ва тасвирлашнинг белгиланган масштабидан келиб чиққан ҳолда тасвирлашнинг лойиҳадаги аниқлигини (оғирлик кучи аномалияларини аниқлашдаги ўртача квадратик хатолик) танлаш тўғрисидаги маълумотлар;

к) тасвирлаш вазифалари, кутиладиган аномалиялар ўлчамлари ва жадаллиги ва ҳисоботга оид харита изоаномалларининг танланган кесимидан келиб чиққан ҳолда, кузатиш пунктлари тўри зичлигини асослаш, бунда излаш геологик объектларни қидириб чамалаш ишларини олиб бориш учун тўр қалинлиги изланаётган оғирлик кучи аномалияларини ва унинг ҳосилаларини аниқлашни таъминлаши лозим.

#### **40. Аэрогеофизик ишлар учун:**

а) ер қаъри тўғрисида мавжуд геологик ахборотларни таҳлил қилиш ва иш олиб бориладиган участкаларни аниқлаш билан боғлиқ дала ишлари олди давридаги ишларнинг асосланиши ва баёни;

б) танланган дала ишлари мажмуини асосланиши ва баёни (аэромагнит тасвирлаш, аэрогамма-спектрометрик тасвирлаш, аэроэлектрик тасвирлаш, комплекс аэрогеофизик тасвирлаш, маршрутларни радиогеодезик боғлаш, лойиҳада кўзда тутилган маршрутлар ёки бошқа усулларни аэрофотобоғлаш);

в) камерал ишлар мажмуини асослаш ва баён қилиш, шу жумладан ер қаъри тўғрисида олинган геологик ахборотларни ишлаш ва картографик ва ҳисобот материалларини тузиш.

**41.** қудуқларни нефт-газга геофизик тадқиқ қилиш учун фойдаланиладиган ишларга:

а) қудуқларни нефт-газга комплекс геофизик тадқиқ қилишни асослаш;

б) қудуқларни нефт-газга комплекс геофизик тадқиқ қилиш ҳажмларини асослаш;

**42.** Қудуқларни қаттиқ фойдали қазилмаларга оид геофизик тадқиқотлар учун:

а) қудуқларни геофизик тадқиқ қилиш нинг асосий ва деталлаштирилган комплексларини асослаш ва баён қилиш;

б) ишларни, бўйлама бўлмаган вертикал сейсмик профиллаш бўйича асосланиши ва баёни, бунда хоссалари бўйича ажралиб турувчи оралиқларни ажратиш, чуқурлиги ва ер қаъри тўғрисидаги геологик ахборотнинг йўқотилиши сабабли (керн чиқишининг озлиги қудуқларни геофизик тадқиқ қилишнинг айрим усуллари натижаларининг мавжуд эмаслиги) бурғилаш чоғида ўтказиб юборилган маҳсулдор участкаларнинг кесишиш оралиқларини аниқлаштириш, қудуқларнинг, техник ёки эксплуатацион устунларнинг техник ҳолатини, қудуқ йўналишини ва қудуқ забойининг маконда жойлашишини таъминлашга доир талаблардан келиб чиқилади.

**43.** Турли тоифадаги чуқур кудуқларни, шу жумладан таянч, параметрик, углеводород хом ашёсига оид излаш-баҳолаш ва қидириб чамалашга оид кудуқлар учун:

а) керн олиш, 1-5м да шлам олиш бўйича талаблар, бурғилаш жараёнида, нефт,газ, сув намуналарини олиш билан, каротаж кабелида ёки қувурлардаги табақа синагичда табақаларни синаш, намуналаш ишларини илмий бошқарган ҳолда (бурғилаш билан тадқиқ қилинмаган районларда барпо этиладиган таянч кудуқларни бурғилаш ишлари кўзда тутилган лойиҳалар учун) геологик-технологик, геокимёвий ва кон-геофизик тадқиқотларнинг баёни ва асосланиши;

б) стратегик бўлинмалар чегараларини белгилаш ва аниқлаштиришни таъминловчи ҳажмдаги кернни олиш ва горизонтгача бўлган ётқизиқлар комплексларининг, бироқ кудуқ умумий чуқурлигининг 20%дан кам бўлмаган ҳолда, моддий таркиби ва физик тавсифини ўрганиш, геологик-технологик, геокимёвий ва кон-геофизик тадқиқотларни, бўйлама бўлмаган вертикал сейсмик профиллаш ва кудуқни сейсмик каротаж қилишнинг баёни ва асосланиши, керн олиш, шламни 1-5 м да олиш, жинс намуналарини ёнлама грунт олгичлар билан олиш, бурғилаш жараёнида нефт-газга истиқболли табақалар очилиши мумкин бўлган оралиқларда қувурлардаги каротаж кабелида асбоблар ёки табақа синагич билан нефт, газ ва сув намуналарини олган ҳолда асослаш ва баёни, нефт, газ, сув олган ҳолда (сейсмик қидирув профилларда ўтиладиган параметрик кудуқларни бурғилаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган лойиҳалар учун) барча турдаги геология-геофизик тадқиқотлар маълумотлари бўйича ажратилган нефт-газли колоннада синашга оид ишлар баёни ва асосланиши;

в) кесим тузиш ва унинг тавсифини, геология-технологик, геокимёвий ва кон-геофизик тадқиқотларни, очиқ стволда ва колоннада (қамалхоналарни аниқлаш ва тайёрлаш учун барпо қилинадиган структура кудуқларини бурғилаш ишларини кўзда тутувчи лойиҳалар учун)

намуналаш ва синаш ишларини амалга оширилишини таъминловчи хажмларда керн олиш ишларини асослаш ва баён қилиш;

г) нефт-газ горизонтлари жойлашиши тахмин қилинаётган ораликларда, шунингдек стратиграфик бўлинмалар чегараларида керн олиш, нефт-газли горизонтларда ҳар 1-5 м ораликда шлам олишга доир талаблар, геология-технологик, геокимёвий ва кон-геофизик тадқиқотларни, бурғилаш жараёнида истиқболли нефт-газ комплексларни каротаж кабелидаги асбоблар билан ёки табақа флюидлари намуналарини олган ҳолда намуналар олиш ва синаш, қувурларда синаш геофизик ишлар билан ва бирга кузатиб борган ҳолда, нефт-газли колоннада, шунингдек сувли қатламларда (уюмнинг ташқарисида) нефт, газ ва сув намуналарини олган ҳолда намуналаш ва синаш ишларини, қудуқдаги махсус тадқиқотларни, мураккаб коллекторлар билан ифодаланган қатламлардан углеводородлар оқимини интенсификациялашга доир ишларни, уларни қудуқларни махсус геофизик тадқиқ қилиш усуллари билан кузатиб борган ҳолда синаш ишларини (излаш ишларига тайёрланган қамалхоналарда барпо қилинадиган излаш-баҳолаш қудуқларини бурғилашга доир ишларни олиб бориш кўзда тутилган лойиҳалар учун) асослаш ва баён қилиш;

д) коллекторлик хоссаларини майдон ва кесим бўйича ёритиш учун етарли бўлган керн олиш ишларини, бурғилаш жараёнидаги геологик-технологик ва геокимёвий тадқиқотларни, кон-геофизик тадқиқотларни, бурғилаш жараёнида каротаж кабелидаги асбоблар ёки қувурларда қатлам флюидлари намуналарини олган ҳолда табақа синагич билан намуналаш ва синаш, колоннада нефт-газли ва сувли объектларни чуқурликда ва юзадаги нефт, газ ва сув намуналарини олган ҳолда синаш, қудуқлардаги махсус тадқиқотлар, синов тариқасида эксплуатация қилиш (конда фойдали қазилмалар захираларини аниқлаштириш ва фойдали қазилма конларини қазиб олишнинг техник лойиҳасини тузиш учун дастлабки маълумотларни

тўплаш бўйича барпо этиладиган қидириш чамалаш қудуқларини бурғилашга доир ишларни олиб боришни кўзда тутувчи лойиҳалар учун);

е) геология-қидирув ишларини асослаш ва баён қилиш, шу жумладан геологик-технологик, геокимёвий ва кон-геофизик тадқиқотлар; объектларни намуналаш ва синаш; қудуқларни махсус тадқиқ қилиш (ишлатиладиган, ҳайдовчи, пьезометрик, ютувчи, шунингдек мазкур банд билан кўзда тутилмаган бошқа қудуқларда иш олиб боришни кўзда тутувчи лойиҳалар учун);

ж) ҳар бир қудуққа (ёки ҳар бир турдаги қудуққа) нисбатан, унинг вазифаси, тузилиши, профили ва диаметри, оғзининг ускуналанганлиги, керн ва шламни, қудуқ деворидан намуналарни тўлиқ олинишини таъминланиши, кон-геофизик тадқиқотлар, топографик-геодезик ишлар турлари ва ҳажмлари, бурғилашнинг бошланиши ва яқунланиши, ишларнинг асосий босқичларини бажарилиш кетма-кетлиги, давлат контракти ёки давлат топшириғи бўйича бажариладиган ишлар бўйича эса, шунингдек бурғилаш комплекси ва қўшимча асбоб-ускуналар, бурғилаш қувурлари ва жинс бузувчи асбоб диаметри, минора ва минораолди иншоотлари, бурғилаш технологияси ва техникаси, қудуқни мустаҳкамлаш технологияси, бурғилаш қоришмаси параметрларини, тозалаш ва тиклаш воситалари, авариявий асбоб-ускуналар, насослар, қувур орти бўшлиғини цементлаш ускуналари ва технологияси, бурғилаш режимини, техник ҳолатини, техник ва ишлатиш колонналарини назорат қилиш воситалари, қувурларни дефектоскопия қилишни асослаш ва баён қилиш;

з) қудуқларни сувли объектлар чегараларида барпо қилишда қуйидагилар асосланади ва баён қилинади: сувли объект туби юзаси чуқурлигидан келиб чиққан ҳолда бурғилаш платформаларидан фойдаланиш; сув ости майдонларини ва қудуқлар оғзини тайёрлаш, бурғилаш қурилмасини ва қудуқларни геологик-технологик, қудуқларда геофизик тадқиқотларни ва бошқа ишларни ўтказишга тайёрлаш;

**44.** Қаттиқ фойдали қазилмаларга оид турли тоифадаги излаш, излаш-баҳолаш ва қидириб чамалаш қудуқларини бурғилаш ишлари учун:

а) қамровчи жинслар керн намуналарини ва қамровчи жинслар керн намуналари олинадиган ораликлар ҳажмларини асослаш;

б) кесимни тузиш ва унинг геологик, геохимёвий ва геофизик тавсифларини аниқлашни таъминлайдиган ҳажмларда керн намуналарини тадқиқ қилиш ишларини асослаш ва баён қилиш;

в) маъданли ораликларни (маъданли зоналар, маъдан жисмлари) намуналаш усулларини, керн намуналарини олиш усулини, намуналаш ишончлилигини таъминловчи керннинг йўл қўйиладиган минимал чиқишни асослаш ва баён қилиш;

г) ҳар бир қудуққа нисбатан унинг вазифаси, тузилиши, профили, ораликлар доирасида (маъданли зоналар, маъдан жисмлари) бурғилашнинг йўл қўйиладиган минимал диаметри, якуний диаметри, қудуқлар оғзини ускуналаш, бурғилаш комплекси ва қўшимча асбоб-ускуналар, бурғилаш қувурлари ва жинс бузувчи асбоб диаметри, миноралар ва минораолди иншоотлари, бурғилаш тезлиги технологияси ва техникаси ва қудуқларни мустаҳкамлаш технологияси, ювувчи қоришма параметрлари, ювиш агентларини тозалаш ва тиклаш воситалари, авариявий асбоблар, насослар, қувур ортини цементлаш асбоб-ускуналари ва технологияси, бурғилаш режимини назорат қилиш воситалари, техник ва ишлатиш қувурлари бирикмаларининг техник ҳолати, керннинг тўлиқ олишни таъминланиши, қувурлар дефектоскопияси, топографик-геодезик ишлар турлари ва ҳажмлари, бурғилашни бошланиш ва якунланиш муддатлари, ишларнинг асосий босқичларини бажарилиш кетма-кетлигини асослаш ва баён қилиш;

д) қудуқларни географик координаталарида жойлаштириладиган жой ёки уларни координаталари аниқланган ва лойиҳада келтирилган объектларга боғлаш йўли билан, тўғрисида маълумотлар.

**45.** Қаттиқ фойдали қазилмаларга оид геология-қидирув ишларини олиб боришда ер юзасидаги кон иншоотлари учун:

а) канавалар, траншеялар, расчисткалар ва бошқа иншоотларнинг жойлашиш схемаси ва зичлиги, туб жинсларни, намуналар олиш, контактлар аниқланиши ва кузатилишини ҳужжатлаштириш учун етарли бўлган, улар ўзгармас жойига қадар шилиш чуқурлигини, иш ҳажмларини, уларни мураккаблик тоифаси бўйича тақсимланиши билан умумий ҳажмини, технологияси ва бажарилиш кетма-кетлигини асослаш ва баён қилиш;

б) ишларни олиб бориш технологияси қоидалари ва саноат хавфсизлигини таъминлаш, маконда ориентациялаш талаблари, жинслар таркиби тўғрисидаги маълумотлар, ёнбағирликларнинг қияланиш бурчаклари, жинсларнинг сувланганлиги ва мустаҳкамлиги, жинсларни механик воситалар билан ёки қўлда бурғилаш ва қозиш бўйича тоифаси, харсангтошларнинг мавжудлиги ва ўлчамлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳар бир иншоот параметрларини асослаш ва баён қилиш;

в) олиб бориладиган бурғилаш-портлатиш ишларини ва уларнинг параметрларини (мавжуд бўлса) асослаш ва баён қилиш;

г) очиладиган туб жинсларнинг кўндаланг кесими майдони, узунлиги, кенглиги, қияланиш бурчаги, ер усти кон иншоотларида хавфсизлик супалари ўлчамлари бўйича асослаш ва шаклини келтириш;

д) канаваларни қозиш усулларини (қўл кучи билан, симарқонли скрепер қурилмалари, бульдозерлар, экскаваторлар ёки бошқа усуллар билан), деворлар, сув чиқиш жойлари чеккаларини мустаҳкамлаш материалларини, даставвал юмшатиш усулларини (зарб болғалар билан, бурғилаш-портлатиш усулида, юмшатгичли бульдозерлар билан ва б.), жойни реккультивация қилиш усули ва воситаларини (кон иншоотларини кўмиб ташлаш) асослаш ва баён қилиш;

е) кон иншоотларини жадвалда келтирилган шаклда турлари ва чуқурлиги, кесими, қазииш усули, жинслар тоифалари бўйича қазииш ҳажмларининг ҳисоб-китоби;

ж) кон иншоотларини кўмиб ташлаш учун жинслар ҳажмларининг ҳисоб-китоби.

**46.** Қаттиқ фойдали қазилмаларга оид геология-қидирув ишларини олиб боришда ер ости кон иншоотлари учун:

а) геологик ва тоғ-кон-техник шарт-шароитлардан келиб чиқиб ва кон иншоотларидан кейинчалик конни қазиб олишда фойдаланиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда конни очиш схемасини асослаш: кон иншоотлари турлари ва параметрлари (очиш, қидириб чамалаш, ёрдамчи), кириб чамаланадиган горизонтлар сони ва чуқурлиги;

б) қидириб чамалашга оид кон иншоотлари тўрининг зичлигини, захираларни ишончли ҳисобланишини таъминловчи маъдан жисмлари (маъданли зоналар, маъданли уюмлар) кесишиш жойларидаги кон иншоотларини намуналаш усуллари, намуналарни олиш усуллари (қидириб чамалашга оид, технологик ва б.)ни асослаш ва баён қилиш;

в) ер ости кон иншоотларини барпо қилиш жойини, уларнинг техник, эксплуатацион ва бошқа параметрларини, кон иншоотларини қазиишнинг технологик схемасини, топографик-геодезик боғланишини, уларга маркшейдерлик хизмат кўрсатиш турлари ва ҳажмларини, сувни чиқариш ва шамоллатилишини асослаш ва баён қилиш;

г) олиб бориладиган бурғилаш-портлатиш ишларини ва уларнинг параметрларини (мавжуд бўлган ҳолларда) асослаш ва баён қилиш;

д) иш шароитлари юзасидан назорат қилиш тадбирлари рўйхати (ёритилганлик, чангга, газга – портлатиш ишлари маҳсулотларига ва табиий ҳосил бўлувчи газларга вибрацияга қарши курашиш ишлари);

е) кон иншоотларини консервация қилиш, бузилган ерларни тиклаш бўйича тадбирларни асослаш ва баён қилиш.

**47.** Муҳандислик-геологик ва улар билан боғлиқ ишлар учун:

а) ўрганилаётган объектда режалаштирилаётган ишлар босқичидаги муҳандислик-геологик вазифалар ва уларни ҳал қилиш усуллари рўйхати;

б) дала ишлари олди ва камерал муҳандислик-геологик ва улар билан боғлиқ тадқиқотлар турларини (ўткан йиллардаги изланишлар ва тадқиқотлар материалларини тўплаш ва ишлаш, аэро- ва космик тасвирларни; рекогносцировкакашга доир тадқиқотларни, шу жумладан аэролвизуал ва маршрутли кузатувларни; қудуқлар бурғилаш ва кон иншоотларини ўтиш; геофизик тадқиқотлар, грунтларни далада тадқиқ қилиш; гидрогеологик тадқиқотлар; стационар кузатувлар; грунтларни, ер ости ва ер усти сувларини лаборатория тадқиқотлари; мавжуд бинолар ва иншоотлар фундаментлари асослари грунтларини текшириш; муҳандислик-геологик шароитларнинг ўзгариши прогнозини тузиш; материалларни камерал ишлаш ва ҳисобот тузиш) тафсирлаш асослаш ва баён қилиш.

**48.** Лаборатория ишлари учун:

а) фойдали қазилманинг технологик хоссаларини аниқлаш услубиётини асослаш;

б) фойдали қазилманинг саноат турлари ва навларининг таркиби ва технологик хоссаларини муфассал ўрганилгалигини асослаш;

**49.** Топографик-геодезик ишлар учун – фойдали қазилмалар конларидаги захираларни ҳисоблашни таъминлаш учун топо-геодезик ишлар услубиётини асослаш.

#### **§4. Бошқа дала ишлари ва харажатлар**

**50.** Бошқа дала ишлари ва харажатларга қуйидагилар киради:

а) чўл ва баланд тоғли ҳудудларда геология-қидирув ишларини олиб боровчи партия (отряд)лар таркибига кирувчи йўл бошловчилар ва альпинистларни сақлаш туриш. Уларни сақлаб туриш харажатлари, ушбу тоифадаги ходимлар сони, ўртача соат ставкаси, иш ҳақи ва лойиҳаланаётган ишларда улардан фойдаланишнинг давомийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

б) дала геология-қидирув ишларида авиацияни қўллаш. Махсус фойдаланиладиган авиация ишларига доир асосий харажатлар, лойиҳада корхоналар билан шартнома бўйича кўзда тутилган авиация транспорти иш ҳажмлари, самолётлар ва вертолётлар туридан келиб чиқиб белгиланади;

в) радиоактив изотоп ва портловчи материалларни харид қилиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва ташиш (шу жумладан кузатиб бориш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

г) геофизик ишларни амалга оширишда, шунингдек ионловчи манбаларнинг базавий сақламаҳоналаридаги дозиметрик хизмат ходимларини сақлаб туриш;

д) қадимги ва ташландиқ кон иншоотларини тиклаш, радиоактив жинсларда тоғ-кон қазиларни иншоотларини ўтишда махсус хизматни ташкил қилиш. Асосий харажатлар иш лойиҳасида кўзда тутилган амалдаги ягона вақт нормалари (унумдорлиги )га мувофиқ меҳнат сарфи нормаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

е) қиш даврида оғир турдаги ер ости кон иншоотларини ўтиш чоғида забойни иситиш учун колориферларни ва забойда (иш жойида) ҳарорат 28 градусдан ошганда ҳавони совитиш учун кондиционерларни сақлаб туриш (геология-қидирув ишлари ишлатилаётган кон шароитида олиб бориладиган объектларда ҳавони иситишга доир харажатлар қазиб олинаётган тоғ массаси ҳажмига нисбатан қўшилган улуш миқдорида сметага киритилади);

ж) Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги Давлат кўмитасининг ҳарбийлаштирилган кон қутқарув қисми (ХҚҚҚ)ни ёки ер ости кон иншоотларининг лойиҳаланган ҳажмини ўтиш даврида ташкилот бўйича чиқарилган буйруқ билан геология-қидирув партиясида ишловчилардан ташкил этилган кўнгилли қутқарув отрядини сақлаб туриш;

з) газ бўйича хавфли бўлган кон иншоотларини ўтишда газ миқдорини ўлчовчиларни сақлаб туриш;

и) геологик кесими илгари бурғиланган қудуқлар билан ўрганилган қидириб чамаланаётган ёки ўхшаш кон-геологик шароитлардаги майдонларда бурғиланадиган қудуқлардаги геологик мураккабликларни олдини олишга оид харажатлар;

к) ишлатилаётган карьерлар ва ер ости кон иншоотларида портлатиш ишларини олиб бориш чоғидаги ишдаги танаффуслар билан боғлиқ харажатлар;

л) ёшларнинг геологик сафарларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

м) иншоотларни қазиш ва намуналаш даврида намоёнларни (минерализацияланишни) сақлаш мақсадида ярқирама тошларга оид ишларни олиб боришда техник-геологни сақлаб туриш;

н) тош материалларининг механизациялашган сақламаҳоналарини сақлаб туришга доир харажатлар;

о) баланд тоғли районларда кўчкига қарши хизматни сақлаб туриш, шунингдек хавфли геологик жараёнларни (ХГЖ) кузатувчи хизмат мутахассислари томонидан майдонни текшириш бўйича харажатлар;

п) юқори ташкилотлар билан алоқа қилиш учун партия (участка) радиостанциясини сақлаб туриш;

р) асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва ишга тушириш-шайлаш ишлари харажатлари;

с) кон-шахта асбоб-ускуналарини алмаштиришга доир ишлар;

т) машина ва асбоб-ускуналарнинг, улар жойлаштрилган жойдаги, техник параметрларининг паспорт маълумотларига мувофиқлигини аниқлаш;

у) ички алоқаларни, машина ва асбоб-ускуналарни созлаш ва текшириш;

ф) ИИВ идоралари ходимлари томонидан кеча-кундуз давомида қўриқлашга, маъданий зонада ва/ёки уларни сақланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирларни талаб қилувчи бошқа шароитлардаги узлуксиз циклли ишларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарга харажатлар;

х) мураккаб шароитли ер юзасида махсус ва ишлаб чиқариш транспорти ҳаракатланиш имкониятини яратиш билан боғлиқ технологик қурилишлар харажатлари;

ц) портлатиш ва портлатишдан бошқа манбалар билан қайишқоқ тебранишларни қўзғалиш оқибатларини бартараф қилиш харажатлари.

## **§5. Лаборатория ва технологик тадқиқотлар**

**51.** Берилган геологик топшириқлардан келиб чиқиб, фойдали қазилмаларни (минерал-хом ашёларни) комплекс ўрганиш ва улардан фойдаланиш мақсадида фойдали қазилмалар ва тоғ жинсларининг лаборатория ва технологик турлари ва ҳажмлари, тегишли ҳолларда эса – минерал-хом ашёнинг ярим саноат ва саноат синовлари, шунингдек жинсларнинг геохронологик ва мутлақ ёшини аниқлашга доир лаборатория ишлари белгиланади.

Гидрогеологик ва муҳандислик-гаологик тадқиқотларда грунт ва сувлар намуналарининг лаборатория тадқиқотлари ҳажмлари ва турлари белгиланади.

Лаборатория ишларининг ҳар бир тури бўйича фойдали қазилманинг технологик хоссаларини аниқлаш услубиёти баён қилинади, шунингдек фойдали қазилманинг саноат турлари ва навларининг моддавий таркиби ва

технологик хоссаларини муфассал ўрганилганлиги асосланади, ички геологик назорат сонини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотларни бажариш кўшда тутилган рўйхат бўйича физик кўринишдаги ҳажмлари (намуналар, нусхалар, шлифлар) сони аниқланади.

Чет ташкилотлар томонидан бажариладиган, шу жумладан ташқи геологик назорат қилиниши лозим бўлган ишларнинг ҳажмлари ажратилади.

## **§6. Дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган геология-қидирув ишлари**

**52.** Камерал, харита тузиш ва нашриётга оид ишларамалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ кўзда тутилади. Ҳисобот ҳажми ва таркиби, график материаллар рўйхати аниқланади, шу жумладан хариталарнинг.

Ишларни олиб бориш жараёнида натижа берувчи қандай картографик материалларни тузиш зарурлиги белгиланади. Дала материалларини ишлаш, талқин қилиш ва тартибга солиш иқтисодий жиҳатдан энг мақсадга мувофиқлиги аниқланади ва асосланади.

ШЭВМдан фойдаланган ҳолдадала материалларини камерал ишлашда зарур бўлган машина вақти миқдорлари аниқланади.

Нашр қилиш ишларининг (босиладиган нусхалар сони) йўриқномалар, услубий кўрсатмалар, маълумот-ахборот материаллари ва б. чоп қилишда манфаатдор ташкилотларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда геологик топшириқдан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳисоботларни белгиланган нусхадан ортиқ миқдорда кўпайтириш буюртмачи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва сметага киритилмайди.

## **§7. Мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-услугиёт ишлари**

**53.** Мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-услугиёт ишлари алоҳида лойиҳа бўйича лойиҳаланади ёки ушбу лойиҳага, бундай ишларни олиб бориш зарурлиги асосланган ҳолда, таркибий қисм бўлиб киради

Ишларни олиб бориш муддатлари, ижрочилар таркиби ва уларни ишдаги иштирок қилиши давомийлиги белгиланади. Иш давомийлигини (ойларда) аниқлашда ижрочиларнинг лойиҳани тузишдан, то тадқиқотлар якунига қадар бўлган барча иш вақти, ишлар алоҳида лойиҳа бўйича олиб борилганда эса – ҳисобот тасдиқлаганига ва у геология фондида топширилганига қадар сарфланган вақт ҳисобга олинади.

Материалларни (геофизик, геохимёвий ва б.) машинада ишлаш лойиҳаланганда, зарур миқдордаги машина-соатлар ёки ишланадиган физик кузатувлар миқдорининг асосланиши келтирилади.

## **§8. Дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган ГҚИларининг бошқа турлари**

**54.** Қуйидаги ишлар дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган ГҚИларининг бошқа турларига киради:

а) услубий кўрсатмалар, йўриқномалар, таблар ва бошқа норматив-техник ҳуддатларни ишлаб чиқиш;

б) ГИА (ЙТИХ), ТИА материалларини тайёрлаш ва тузиш;

в) захиралари ҳисобланган ҳолдаги ҳисоботларни ДЗКда тасдиқлаш;

г) маъдан намоёнлари, конлар кадастрларини, паспортларини тузиш;

д) илгари қидириб чамаланган фойдали қазилмалар конлари захираларини қайта ҳисоблаш (кондициялар, ажратиб олиш

технологиялар, нархлар конъюктурасининг ўзгариши ва бошқа сабаблар билан);

е) геологик, геофизик, геохимёвий, молия-иқтисодий ва ахборотларнинг бошқа турларини компьютерда ишлар учун дастурлар ва автоматлаштирилган иш жойлари пакетини ишлаб чиқиш;

ж) геологик мазмундаги ва бошқа картографик материалларни рақамлаштириш ва хариталар электрон версиясини яратиш;

з) геологик мазмундаги хариталарни ва уларга доир бариладиган изоҳларни актуаллаштириш;

и) маълумотларнинг унификацияланган ва ихтисослаштирилган базасини (МБ) ишлаб чиқиш ва яратиш;

к) мобилизация ресурслари омборларини сақлаб туриш;

л) ҳисоботлар консултацияси ва тақризи.

## **6-БОБ. БИРГАЛИҚДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА УЛАР ХАРАЖАТЛАРИ**

Бирга бажариладиган ишлар ва улар харажатларига қуйидагилар киради:

- 1) Вақтинчалик бино ва иншоотларнинг қурилиши;
- 2) Юклар ва ходимларни транспортда ташиш харажатлари;
- 3) Қопланадиган харажатлар (дала нафақаси, хизмат сафарлари, ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазасига оид тадбирлар, ишлаб чиқариш ва турар жойлар ижараси);
- 4) Кутилмаган ишлар ва харажатлар учун резерв.

## **§1. Дала шароитидаги геология-қидирув ишларини олиб бориш даврида вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш**

**55.** Дала шароитидаги геология-қидирув ишларини олиб бориш даврида барпо қилинадиган вақтинчалик бино ва иншоотларнинг (зарур бўлганда уларни кўчириш) ҳажмлари ва турлари асосланади.

**56.** Портловчи материаллар ва портлатиш воситаларини сақлаш билан боғлиқ объектларни барпо қилишга техник шартлар Давлат саноат хавфсизлиги қўмитаси ва ички ишларнинг маҳаллий органлари билан келишилганидан сўнг, ПМ сақланадиган жойлар ИИВнинг Портловчи материалларни ташиш, фойдаланиш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги 3-сонли ва “Саноатконтехназорат” Давлат қўмитасининг 78-сонли (2005 йил 8 июлда 1491-рақам остидаги), Адлия вазирлигининг 78- рақам остида рўйхатга олинган Қарорлари билан тасдиқланган талаблари билан рухсат этилади.

Геология ташкилотларининг базавий шаҳарчаларида қулайликлар яратиш ишлари Қурилиш вазирлигининг давлат эксперт ташкилотларида ШНК нормативлари бўйича экспертизадан ўтказилувчи алоҳида ЛСХни тузган ҳолда ихтисослашган қурилиш ташкилотлари кучи билан амалга оширилади.

## **§2. Транспорт хизматини кўрсатиш (транспортировка)**

**57.** Қуйидагилар транспортировкага тегишли:

а) юклар, материаллар ва асбоб-ускуналарни келтириш; уларни қадоқлашга оид харажатлар, тара (идиш)нинг етказиб берувчилардан то партиянинг объектларди омборхонасига қадар ва ундан иш участкасигача келтиришда, шунингдек уларни юклаш ва туширишда ишдан чиқиши (эскириши);

б) ишлаб чиқаришга доир ходимларни доимий туриш жойидан (партия, отряд) дала базасигача, ундан иш участкасигача ва орқага ташиш, шунингдек иш участкаси ичида бригадалар, отрядларни қайта кўчириш;

в) хар сменада бурғилаш ва кон қазилб бригада (вахта)ларини иш жойига ва орқага ташиш;

г) технологик ва махсус транспортнинг кўчиб ўтишлари, ҳайдаб келишлар ва ишлаши;

### **§3. Қопланадиган харажатлар: дала нафақаси, хизмат сафарлари, ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазаси, ишлаб чиқариш ва турар жойлар ижараси**

**58.** Ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазасига оид ишларнинг тахминий рўйхати:

- ер участкаларини олиб қўйиш ёки вақтинча банд қилиш билан етказилган зарарни, шунингдек ерларни қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйиш билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш;

- бузилган ерларни тиклаш (рекультивация қилиш);

- сейсмик қидирув ва бошқа ишларни олиб боришда портлатишлар оқибатларини бартараф қилиш;

ишлар қийматига кирувчи ва қонун ҳужжатлари ва ҳокимиятларнинг корхона томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорлари киритилиши натижасида юзага келадиган бошқа харажатлар.

Ер участкаларини олиб қўйиш ёки вақтинча банд қилиш билан ердан фойдаланувчиларга етказилган зарарларни қоплашга доир харажатлар суммаси ушбу ҳудудда амалда бўлган тартибга кўра смета-молиявий ҳисоб-китоблар бўйича аниқланади.

## **7-БОБ. Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси**

**59.** Зарур бўлганда “Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимига тегишли бўлган лойиҳаланаётган ишларнинг ҳар бир тури бўйича хавфсизлик техникаси (меҳнат муҳофазаси) ва саноат санитарияси масалалари лойиҳада кичик бўлимга ажратилиши мумкин, унда хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси ҳамда қўшимча харажатларни талаб қилувчи тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш ҳажмлари асосланади.

## **8-БОБ. ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИНГ СМЕТА ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ**

**60.** Лойиҳа-смета ҳужжатлари, белгиланган тартибда геологик топшириқ тасдиқланганидан сўнг ишлаб чиқилади.

Лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб, смета лойиҳанинг услубиёт қисмида келтирилган геология-қидирув ишлари ҳажмига (ёки унинг бир қисмига) тузилади.

Тўлиқ смета қиймати қуйидагилар таннархидан ташкил топади:

- а) бевосита геология-қидирув ишлари;
- б) бирга бажариладиган ишлар ва харажатлар;
- в) пудрат ишлари.

**61. Бевосита геология-қидирув ишларининг смета қиймати қуйидаги харажатлар йиғиндисидан ташкил топади:**

- а) тайёргарлик кўриш ва лойиҳалаштириш;
- б) дала ишлари, материалларни далада камерал ишлаш (шу жумладан бошқа дала ишлари ва харажатлар);
- в) лаборатория ва технологик тадқиқотлар;

г) дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган геология-қидирув ишлари: камерал, харита тузиш (шу жумладан хариталарни электрон вариантларини яратиш), нашр қилиш ишлари, мавзуга оид ва услубиёт ишлари;

д) дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган геология-қидирув ишларининг бошқа турлари:

- услубий кўрсатмалар, йўриқномалар, талаблар ва бошқа норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- материалларини тайёрлаш ГИА (ЙТИХ), ТИАларни тузиш;

- захиралари ДЗКда тасдиқлаган ҳолдаги ҳисоботларни тасдиқлатиш;

- маъдан намоёнлари, конлар кадастрларини, паспортларини тузиш;

- фойдали қазилмаларнинг илгари чамаланган конлари захираларини (кондициялар, ажратиб олиш технологияси, нархлар конъюктурасининг ўзгариши ва бошқа сабабларга кўра) қайта ҳисоблаш;

- геологик, геофизик, геокимёвий, молия-иқтисодий ва бошқа турдаги ахборотларни компьютерда ишлаш учун дастурлар ва автоматлаштирилган иш жойлари пакетини ишлаб чиқиш;

- геологик мазмундаги ва бошқа картографик материаллар хариталарининг электрон версияларини рақамлаштириш ва яратиш;

- геологик мазмунлаги хариталарни ва уларга бериладиган шарҳларни актуализация қилиш;

- унификацияланган ва ихтисослаштирилган маълумотлар базасини (МБ) ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш;

- мобилизация ресурслар омборларини сақлаб туриш;

- консультациялар ва ҳисобот тақризлари.

**62.** Бирга бажариладиган геология-қидирув ишлари ва харажатлари куйидагиларни ўз ичига олади;

- а) вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш;

- б) ишларни ташкил қилиш ва тугатиш;

- в) транспортировка;
- г) қопланадиган ишлар ва харажатлар
- д) кутилмаган ишлар ва харажатлар учун резерв.

**63.** Иш бажарувчиларнинг амалдаги сарф-харажатлар бўйича қонун билан кўзда тутилган қопланадиган харажатларга қуйидагилар киради:

- а) ишлаб чиқаришга доир хизмат сафарлари;
- б) дала нафақаси;
- в) ер участкаларини олиб қўйиш ёки вақтинча банд қилиш билан етказилган зарарларни қоплаш;
- г) ишлар таннархига киритиладиган ва қонун ҳужжатлари ҳамда ҳокимият органларининг корхона томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорлари ва бошқа тўхтамларининг киритилиши оқибатида юзага келадиган бошқа харажатлар.

**64.** Кутилмаган ишлар ва харажатлар учун (шу жумладан бирга бажариладиган ишларга) сметада **резерв** кўзда тутилади.

**65.** Смета таркибига алоҳида сатр билан кирувчи локал лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ташкилот-ҳамижрочилар томонидан бажариладиган ишлар **пудрат ишларига киради.**

Пудрат ишлари қиймати ушбу ташкилотларнинг ташкилий-техник шартларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин.

**66.** Геология-қидирув ишлари қийматини аниқлаш учун дастлабки маълумотлар сифатида геология-қидирув ишларининг смета нормалари тўпламлари ёки тўпламларда мавжуд бўлмаган иш турлари учун тасдиқланган вақт нормалари маълумотларидан фойдаланилади.

**67.** Айрим иш турлари учун тасдиқланган нормативлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, қийматни ҳисоблаш смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан амалга оширилади

**68.** Геология-қидирув ишлари смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган фарқ қилувчи шароитларда бажарилганда, смета қиймати “Умумий белгиланган ишлар” смета нормалари тўплами 1-нашр, 1-жадвалида келтирилган тузатиш коэффицентлари билан тузатишлар киритилади.

**69.** Смета нормалари тўпламларида қўшимча равишда, муайян иш турлари бўйича ишлаб чиқариш шароитидан четга чиқишларни акс эттирувчи тузатиш коэффицентлари кўзда тутилган.

**70.** Бир иш турига бир нечта тузатиш коэффицентлари қўлланиладиган ҳолларда, охирилари бир-бирига кўпайтирилади ва олинган ҳосила тегишли смета нормаси нисбатан қўлланилади.

**71.** Ер усти ишларида ва чуқурлиги 5 м гача бўлган шурфларда смета нормаларини ҳисоблашда 40 соатлик иш ҳафтаси (ҳафталик иш куни  $40/6 =$  смена соати 6,67 \*бир ойдаги иш кунлари 25,4 = бир ойдаги иш соати 169,4), ер ости кон ишларида ва чуқурлиги 5 м дан ортиқ бўлган шурфлардаги 36 соатлик иш ҳафтасида (ҳафталик иш куни  $36/6 =$  смена соати 6 бир ойдаги иш кунлари \*25,4 =бир ойдаги иш соати 152,4)

**72.** Иш вақтининг йиллик фонди ишларнинг сменалилигидан келиб чиқиб қабул қилинган:

Ер ости кон иншоотларида ва чуқурлиги 5м.дан ортиқ бўлган шурфларда, шунингдек кўчмас ва кўчма бурғилаш қурилмалари билан (кеча-кундузлик иш режимида) иш олиб борилганда – 7315 соат;

- 3 сменада ишлашда – 6099 соат;
- 2 сменада ишлашда – 4066 соат;
- 1 сменада ишлашда – 2033 соат.

**73.** Геология-қидирув ишлари қиймати асосий харажатлар, давр харажатлари ва норматив фойда йиғиндисидан ташкил топади.

### **§1. Асосий харажатлар**

**74.** Харажатларнинг қуйидаги қисмлари асосий харажатларга киради:

- а) ишлаб чиқариш тавсифидаги ишларга ҳақ тўлашга оид харажатлар;
- б) ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурталарга ажратмалар;
- в) ишлаб чиқаришга оид материал харажатлар, шу жумладан ёнилғи, электр энергияси, сиқилган ҳаво;
- г) асосий воситалар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги номатериал активлар амортизацияси;
- д) ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар.

**75.** **Ишлаб чиқариш тавсифидаги ишларга ҳақ тўлашга оид харажатлар** смета нормалари тўпламларидаги тегишли жадваллар бўйича киши-соатлардаги норматив қийинлик йиғиндисини ижрочилар таркибидан қатъий назар, ушбу иш тури бўйича бир одам-соатни (сўмда) тасдиқланган жорий қийматига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

**76.** Ишлаб чиқариш ходимлар иш соатининг ўртача иш ҳақи иш турлари бўйича ҳар бир корхонада ўтган йил маълумотларига кўра аниқланади ва юқори турувчи ташкилот билан келишган ҳолда корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

**77.** Ўртача соатлик ставкани ҳисоблашда ишлаб чиқариш тавсифидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига, ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ (1999й 5 февралдаги қарори иловаси № 54, 1.2-банд), харажатлар моддалари киритилади.

**78.** Ишлаб чиқаришга доир **ижтимоий суғурталашга ажратмалар** ҳисобланган иш ҳақини смета тузиш вақтидаги қонун билан белгиланган ягона ижтимоий тўлов ставкасига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

**79. Ишлаб чиқаришга оид материал харажатларга** Ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилган харажатлар киради (№54,1.1-банд).

**80. “Материаллар” моддаси бўйича харажатлар** (шу жумладан ёнилғи, мойлаш материаллари, электр энергияси, сиқилган ҳаво) смета нормалари ва материаллар нархларига мувофиқ ҳар бир иш тури бўйича материаллар сарфи нормаларидан келиб чиқиб аниқланади.

**81.** Материалларнинг жорий нархлардаги қиймати сметани тузиш вақтида ички ва ташқи бозорларда юзага келган нархларнинг умумий даражаси бўйича харид нархига кўра аниқланади.

**82.** Жорий нархлар ишлаб чиқарувчи-корхона ва материалларни етказиб берувчилар сотиш нархлари ёки Давгеолқўм корхоналари бўйича юкхатлар (харид нархлари бўйича) таҳлилининг ўртача статистик нархлари асосида аниқланиши мумкин.

**83.** Давлат тармоғидан олинадиган электр энергияси қиймати тасдиқланган тарифлар бўйича қабул қилинади.

Ўзининг электр станциялари билан ишлаб чиқарилаётган 1 кВт-соат электроэнергияси, ёки ўзининг компрессор қурилмалари билан ишлаб чиқариладиган 1 куб.м сиқилган ҳаво қиймати, ускуналар тури, уларнинг муайян ишлаш шароитидан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри ҳисоб-китоблар билан аниқланади, ва давр харажатлари ва норматив фойдани қўшиб ҳисобланмаган ҳолда, иш бирлиги қийматини ҳисоб-китобларига киритилади.

**84.** Смета нормалари тўпламлагига кирмаган, бироқ ишлаб чиқариш жарёнида фойдаланиладиган сарфланувчи материаллар лойиҳада асосланади, улар дала ишларининг тегишли бўлимида алоҳида сатрда кўзда тутилади ва давр харажатлари ҳамда норматив фойдани қўшиб ҳисобланган ҳолда, мухосиба томонидан тасдиқланган харид қилинган нархи бўйича, сметада ҳисобга олинади.

**85.** Ишлаб чиқариш мақсадидаги **асосий воситалар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги номатериал активлар амортизацияси** смета нормалари тўпламларида ва ЎЗР солиқ қонунчилиги билан тасдиқланган йиллик амортизация нормаси меъёрида келтирилган фойдаланиладиган асбоб-ускуналар рўйхати асосида аниқланади.

Амортизацияни ҳисоблаш ҳар бир иш тури бўйича асбоб-ускуна баланс қийматини (қайта баҳолашни ҳисобга олиб) энг юқори йиллик амортизация нормасига (корхонанинг ҳисоб сиёсатини ҳисобга олган ҳолда) кўпайтириш, сўнгра олинган натижани смета нормаларининг тегишли Тўплами бўйича асбоб-ускунанинг ишлаш вақти нормасига кўпайтириш ва ушбу асбоб-ускунанинг йиллик иш фондига бўлиш йўли билан аниқланади.

Қайта баҳоланмаган, қолдиқ қиймати нулга тенг бўлган асбоб-ускуналар ҳисоб-китобларда эътиборга олинмайди.

Корхонада бир турдаги, баланс қиймати турлича бўлган дастгоҳлар мавжуд бўлганда, мухосиба ҳисоботининг маълумотлари билан тасдиқланган маълумотнома илова қилинган ҳолда, ҳисоб-китоб қилишда асбоб-ускуналарнинг ўртача нархини олишга йўл қўйилади.

**86.** Амортизация ажратмаларини ҳисоблашда, амортизация ажратмаларининг ҳисоблаб топилган суммага тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан, лойиҳа бўйича дала ишлари даврининг давомийлиги ҳисобга олинади. Коэффициентларнинг тегишли жадвали “Умумий белгиланган ишлар” смета нормалари тўплами 1-нашрининг 2-жадвалида келтирилган.

**87.** Резервдаги асбоб-ускуналар амортизацияси, лойиҳада тегишли асослаш мавжуд бўлган ҳолдагина, ҳисоб-китобларда кўзда тутилади

**88. Ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар** Ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ бўлган (1999 й 5 февралдаги қарори иловаси № 54, 1.5-банд), шу жумладан ёрдамчи-хўжалик хизматларини сақлаб туришга оид харажатларни ўз ичига олади.

**89.** Ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар, геология-қидирув ишларининг ҳар бир тури смета қийматини ҳисоблашда, асосий харажатлар таркибига киради.

Ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар қиймати ижтимоий эҳтиёжлар ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи суммасини, ўтган йилда амалда бўлган маълумотлар асосида ҳар бир корхона учун юқори

турувчи ташкилот томонидан тасдиқланадиган ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатларга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

## **§2. Давр харажатлари ва норматив фойда**

**90.** Давр харажатларига геология-қидирув ишларини нормал ишлаши ва уларни бошқаруви ташкил қилинишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари киради.

Харажатлар моддалари рўйхати Ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом билан аниқланади (1999 й 5 февралдаги қарори иловаси № 54, 2-банд).

Давр харажатлари миқдорлари ҳар йили юқори турувчи ташкилот томонидан белгиланади ва белгиланган тартибда тасдиқланади ва ўз кучи билан бажариладиган геология-қидирув ишларининг барча турларига, қопланадиган харажатлар (дала нафақаси, хизмат сафарлари харажатлари ва б.) бундан мустасно, асосий харажатларга қўшиб ҳисобланади.

**91.** Геология корхонасининг норматив фойдаси геология-қидирув ишлари қийматида лимитланган миқдорларда кўзда тутилади ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фойдаланилади.

Норматив фойда ўз кучи билан бажариладиган геология-қидирув ишларининг барча турларига, қопланадиган харажатлар (дала нафақаси, хизмат сафарлари харажатлари ва б.) бундан мустасно, асосий харажатлар суммасига қўшиб ҳисобланади.

**92.** Ишларнинг смета қийматини ҳисоблаш, кейинчалик улар йиғиндисини аниқлаган ҳолда алоҳида позицияларга доир (иш ҳақи, материаллар, амортизация, ишлаб чиқариш тавсифидаги оид бошқа харажатлар) харажатлар моддалари бўйича ҳисоб-китоб қилишни

ифодалайди. Олинган натижага, корхона бўйича тасдиқланган давр харажатлари ва норматив фойданинг умумий коэффиценти кўшиб ҳисобланади.

### §3. Айрим иш турлари ва харажатлар смета қийматларини аниқлашнинг ўзига хослиги

#### 93. Тайёргарлик кўриши ва лойиҳалаштириши ишлари.

Тайёргарлик кўриш ишларининг смета қиймати “Умумий белгиланган ишлар” смета нормалари тўплами 1-нашри бўйича, тўпланда кўзда тутилмаган иш турлари бўйича эса, тасдиқланган вақт нормалари ёки смета-молиявий ҳисоб-китоблар бўйича аниқланади.

Лойиҳалаштиришнинг смета қиймати илова қилинаётган жадвал бўйича ҳисобланади:

Лойиҳалар гуруҳи	Хўжалик усулида бажариладиган, лойиҳадаги ишларнинг смета қиймати	Дала нафақаси ва резерв чиқариб ташланган ҳолда хўжалик усулида бажариладиган ишлар қийматининг фоизлардаги лойиҳалаштириш қиймати
1	2	3
1	1 млрд сўмгача	3,58%
2	1дан 5 млрд. сўмгача	1 млрд.дан 3,58% +1 млрд.дан ортиқ бўлган сумманинг 0,56%
3	5 дан 10 млрд сўмгача	5 млрд.дан 1,17% + 5 млрд.дан ортиқ суммадан 0,19%
4	10 дан 20 млрд сўмгача	10 млрд.дан 0,68% + 10 млрд.дан ортиқ суммадан 0,1 %
5	20 дан 50 млрд сўмгача	20 млрд.дан 0,39% +20 млрд.дан ортиқ суммадан 0,07%
6	50 дан 100 млрд сўмгача	50 млрд.дан 0,2% + 50 млрд.дан ортиқ суммадан 0,04%
7	100 млрд сўмдан ортиқ	100 млрд.дан 0,12+ 100 млрд.дан ортиқ суммадан 0,002 %

Нефт ва газга оид қудуқларни барпо қилишни лойиҳалаш РД 39.0-010:2011 “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нефт ва газга оид

кудукларни барпо қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, келишиш ва тасдиқлаш тўғрисида Йўриқнома”га мувофиқ аниқланади.

Амалдаги лойиҳага қўшимчалар киритишда лойиҳалашга оид харажатлар фақат қўшимча иш ҳажмларига ҳисобланади.

**94.** *Дала ишлари (шу жумладан материалларни далада камерал ишлаш) ва бошқа дала ишлари ва харажатлар.*

Дала ишлари ҳажмлари ва турлари тўғрисидаги ҳамда смета нормативлари тўпламларида келтирилган маълумотлар асосида ҳар бир иш тури бўйича дала ишлари шароитида олиб борилаётган жами геология-қидирув ишлари комплексининг смета қиймати ҳисоб-китоб қилинади.

**95.** *Лаборатория ва технологик тадқиқотлар*

Лаборатория ва технологик тадқиқотларнинг лойиҳада асосланган ҳажмлари ва турларидан келиб чиқиб 17-нашр “Лаборатори ишлари” тўплами смета нормативларидан фойдаланган ва Давлат стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ишларнинг смета қийматлари ҳисобланади.

Тўпламда олиб борилаётган тадқиқотлар сифатини назорат қилишнинг барча турлари ҳисобга олинган, тузатиш коэффициентлари келтирилган.

**96.** *Дала шароитидан бошқа шароитда бажариладиган геология-қидирув ишлари: камерал, харита тузиш (шу жумладан хариталарнинг электрон вариантларини тузиш), нашриётчилик ишлари.*

Камерал, харита тузиш, нашриётчилик ишларининг смета қийматини ҳисоблаш геология-қидирув ишлари турлари бўйича тегишли нашрларда келтирилган смета нормаларини қўллаган ҳолда ёки тасдиқланган вақтинчалик нормативлар бўйича бажарилади. Бундай нормативлар

мавжуд бўлмаган ҳолда, ушбу ишларнинг қиймати смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

Смета нормалари тўпламларида кўзда тутилмаган бурғилаш, кон казиш, намуналаш ва бошқа иш турлари бўйича дала материалларини камерал ишлашнинг смета қиймати, камерал ишлаш даврида бажарилаётган алоҳида иш турларининг (хариталарнинг оригинал ва электрон вариантларини, схемаларни, кесимларни, турли хилдаги геологик жадвалларни, график хужжатларни ва б. тузиш) смета қийматини ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

ШЭХМдан фойдаланилмаган ҳолда намуналашнинг турли хиллари бўйича таҳлиллар натижалари камерал ишларга оид харажатлар 3-нашр смета нормалари тўплами бўйича аниқланади.

Материалларни ТИАга тайёрлаш ва захираларни ҳисоблаш харажатлари СМХ бўйича коннинг мураккаблиги, фойдали қазилма ва бирга учровчи компонентларни комплекс ажратиб олиш (фойдаланиш)туридан келиб чиқиб аниқланади.

**97.** Мавзуга, илмий-тадқиқот, тажриба –конструкторлик ва синов-услубиётга оид ишлар.

Мавзули, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва синов-услубиётга оид ишларни бажариш чоғидаги дала тадқиқотларининг қиймати амалдаги норматив хужжатлар бўйича ҳисобланади.

Дала шароитидан бошқа шароитда олиб бориладиган мавзуга оид ва тажриба-услубиёт ишларининг смета қиймати амалдаги норматив хужжатлар бўйича, улар мавжуд бўлмаганда эса, лойиҳада ижрочилар таркиби, ишларни бажариш муддатлари, зарурий машина вақти тўғрисидаги маълумотларни асослаган ҳолда смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан ҳисобланади.

**98.** Камерал, мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-услугиёт ишларининг қийматини ҳисоблашда материаллар харажатлари ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақиға доир харажатларнинг фоизларида аниқланади. Фоиз, шунга ўхшаш ишларнинг ўтган йилдаги харажатларнинг ўртача миқдорида белгиланади.

ШЭХМнинг 1 машина-соат ишлаши қийматини ҳисоблаш ускуна тури, ишлатадиган қувват (электр энергия) ва унинг нархидан келиб чиқиб смета-молиявий ҳисоб-китоб қилиш билан аниқланади.

**99.** Дала ишлари ҳисобланмайдиган бошқа геология-қидирув ишлари ва харажатлар.

Бу каби ишлар рўйхати мазкур Йўриқноманинг 54-бандида келтирилади. Уларга оид харажатлар белгиланган тартибда тасдиқланган амалдаги нормативлар бўйича аниқланади.

Консультациялар ва ҳисобот тақризлари 1-нашр “Умумий мақсаддаги ишлар” смета нормалари тўплами нормалари ёки ушбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотнинг нархлари бўйича аниқланади.

Захиралари ҳисоблаган ҳолдаги ҳисоботларни ДЗКда тасдиқлашга доир харажатлар белгиланган тартибга мувофиқ аниқланади (Геологик материалларни кўриб чиқиш учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом, ДЗКнинг 2018 йил 28 май, 1-сонли баённомаси).

**100.** Норматив ҳужжатлар билан кўзда тутилмаган ишларнинг смета қийматини ҳисоблаш.

Смета нормалари тўпламида кўзда тутилмаган ишларнинг смета қиймати иш таркиби ёки харажатлар бўйича лойиҳаланаётган турга яқин бўлган нормалар бўйича, лойиҳада асослаган ҳолда, аниқланади. Бунинг имкони бўлмаганда, қиймат лойиҳада меҳнат ва моддий харажатларни асослаган ҳолда смета-молиявий ҳисоб-китоблар бўйича аниқланади.

Смета нормалари тўпламларида нормалари бўлмаган, бироқ бундай ишларга бошқа муассаса ва соҳаларда мавжуд бўлганда, ишларнинг харажатлари ушбу тасдиқланган смета нормалари бўйича аниқланиши мумкин.

### **101. Вақтинчалик бинолар ва иншоотларни қуриш.**

Дала ишлари вақтида вақтинчалик бинолар ва иншоотларни қуришнинг смета қиймати ушбу ишларнинг ҳажмлари ва ишларни олиб бориш шароитларидан келиб чиқиб тузатиш коэффициентларини қўллаган ҳолда (зарур ҳолларда) тўпламига оид 20-нашр смета нормалари билан аниқланади.

Вақтинчалик бинолар ва иншоотларни қуришда ишларнинг қишда қимматлашишига оид харажатлар, қурилишнинг физик бирлиги қийматига кирмайди, улар сметага алоҳида сатр билан киритилади.

Давгеолқўм раҳбариятининг ёзма рухсатномаси бўйича сметага Қурилиш вазирлигининг ШНК нархлари бўйича бино ва иншоотларни қуриш харажатларини киритишга қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда йўл қўйилади:

1. ШНК нормативлари бўйича тузилган ЛСХ Қурилиш вазирлигининг давлат экспертиза ташкилотларида экспертизадан ўтказилади.

2. Қурилиш вазирлиги бўлинмасининг экспертиза хулосаси билан биргаликдаги ЛСХ комплекти Давгеолқўмнинг капитал қурилиш бўйича бош мутахассисига келишиш учун тақдим этилади.

### **102. Геология-қидирув ишлари алоҳида участкаларда ёки объект бўйича бутунлай тугатилганда, ер ости ва ер усти иншоотлар демонтаж қилинганидан сўнг материалларнинг қайтарилиш катталигини аниқлаш учун, шу жумладан вақтинчалик дала партияси ёки отрядида, комиссия ташкил этилади.**

Қайтган материаллар қиймати умумий суммадан чиқариб ташланганидан сўнг (қайтарилиши смета тузиш чоғида ҳисобга олинганларидан ташқари) объект бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш учун маълумотнома тузилади.

Сув узатиш, электр, телефон алоқаси, рельсолди йўлларини монтаж, демонтаж қилиш ва янги жойга кўчиришга оид ишлар қиймати, қайтариладиган материаллар қисми қийматини чиқариб ташлаган ҳолда сметага киритилиши мумкин.

Бу ҳолда қайтариладиган материаллар қисмининг қиймати, ишлар смета қиймати ҳисоб-китобидан чиқариб ташланади.

Агар қайд этилган иншоотлардан 3 йилдан ортиқ муддат фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, унда сметадан материалларнинг қайтариладиган қиймати чиқариб ташланмайди.

Демонтаж чоғидаги материаллар ва меҳнат харажатларини қайтариш нормалари қуйидаги жадвалда келтирилади.

Ишлари номи	Қайтарилаётган материаллар номи ва қайтарилиш фоизи	Демонтаж қилишда меҳнат харажатлари нормаси, монтаж фоизларида
1	2	3
Ер устида ўтказилган сув узатиш линияларни демонтаж қилиш	Қувурлар – 70 Фасон қисмлари – 70 Арматура – 70 Ёғоч-тахта материаллари – 70	25
Траншеялардаги сув линияларини демонтаж қилиш	Қувурлар – 50 Фасон қисмлари – 50 Арматура – 50	60
Электр ва алоқа линияларини демонтаж қилиш	Симлар – 50 Изоляторлар, илгаклар билан бирга – 50 Устунлар – 50	25
Балластсиз, тор рельсли йўлларни демонтаж қилиш	Рельслар – 85 Шпаллар – 85 Бириктиргичлар – 85	47
Ички электр ёриткичларни демонтаж қилиш	Симлар – 25 Арматура – 25 Эл.шчитлари – 25	15

1	2	3
Асбоб-ускуналарни демонтаж қилиш		40
Кабелли линияларни демонтаж қилиш	Кабель – 90	10

**103.** Ер ости кон иншоотларини ўтишда смета ҳисоб-китоблари рельслар, метал ва резинали сув-газ узатиш, шамоллатиш қувурларидан максимал фойдаланиш (айланувчанлик)ни ҳисобга олган ҳолда, асосий (бош) ташиш кон иншоотларида фойдаланилаётганлардан ташқари, тузилиши зарур. Рельслар ва қувурларнинг айланувчанлик коэффиценти лойиҳада асосланади (коэффицентни ҳисоблаш учун рельслар ва қувурлар узунлиги муайян штольня ёки шахтани горизонтал иншоотларининг умумий узунлигидан асосий ташиш иншооти узунлигини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади).

Смета тузишда айланувчанлик коэффиценти рельслар ва қувурлар қийматига нисбатан қабул қилинади (22-нашр, 177-жадвалга мувофиқ).

Асбоб-ускуналарни монтаж-демонтаж қилиш ва ер ости шароитидаги бошқа иш турларига оид харажатларни ССН-20 (Бино ва иншоотларни қуриш) нормаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблашда меҳнат сарф-харажатларига 7 соатликдан 6 соатлик иш кунига қайта ҳисоблаш учун  $K=1,11$  тузатиш коэффиценти қўлланилади.

**104.** Далилий асослар мавжуд бўлганда бинолар ва иншоотларни қуриш ўрнига юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлган турли мақсаддаги иншоотлар ва вагон-уйларни, агар бу иқтисодий жиҳатдан қуришдан кўра фойдали бўлса, сотиб олиш ёки ижарага олиш кўзда тутилади.

**105.** Асосий фондлар таркибида ҳисобга олинadиган ихчам бино ва иншоотлар, асбоблар, эҳтиёт қисмлари учун контейнерлар, ишлаб

чиқариш-техник ва санитария-маиший эҳтиёжлар комплекси учун фойдаланиладиган саноат блоклари (музлатгичлар, қуритгичлар, иситгичлар ва б. ўрнатилган), шунингдек асбоб-ускуна комплектига кирмайдиган бурғилаш бригадаси иш жойини пана қилиш учун амортизация харажатлари “Дала ишлари” бўлимида алоҳида сатрда кўзда тутилади.

**106.** Геология-қидирув ишларини кўчки, сурилма ва сел келиш хавфи мавжуд районларда олиб боришни таъминловчи тадбирларга оид харажатлар, смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

Ушбу тадбирларга, хусусан қуйидагилар киради: тўғонлар, кўчки тўсгичларни, огоҳлантирувчи белгиларни, серпантинларни, паналовчи жойларни, тош деворларни, тўсиқларни барпо қилиш, кўчки-сурилмалар ва сел ҳосил бўлиши юзасидан мунтазам кузатувларни ташкил қилиш, кўчкиларни портлатиб ёки акустик усуллар билан сунъий кўчириш, сув тошқинлари ва б. олдини олишга доир ишлар.

**107.** Вақтинчалик йўлларни тиклаш, йўлларни, аэродромларни (қордан тозалашдан ташқари), сўқмоқларни, дарё фарватерларини ва ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа объектларни фойдаланишга яроқли ҳолатда сақлаб туриш харажатлари смета нормалари тўпламлари ёки лойиҳада асосланган меҳнат ва материал харажатлардан келиб чиққан ҳолда смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

**108.** Бундан ташқари бирга бажариладиган ишлар ва харажатларга қуйидаги харажатлар алоҳида сатр билан киритилади:

- 1) кон-шахта асбоб-ускуналарини алмаштиришга доир ишлар;
- 2) одамлар ва портловчи моддаларни бехатар ташиш учун транспорт воситаларини жиҳозлаш;
- 3) мобилизация резерви омборхоналарини сақлаб туриш;

4) бошқа ишга тушириш-шайлаш ишлари.

### 109. Дала ишларини ташкил қилиш ва тугатиш.

Дала ишларини ташкил қилиш ва тугатишга оид объект бўйича харажатлар дала ишлари ҳамда бино ва иншоотлар қуришнинг умумий ҳажми смета қийматидан фоизларда аниқланади ва сметага алоҳида сатрда (“Бино ва иншоотларни қуриш” сатрдан сўнг) қуйидаги микдорларда киритилади:

Иш йўналишлари ва босқичлари	Дала ишлари ҳамда бино ва иншоотлар қуришнинг смета қийматидан фоизлардаги харажатлар нормалари	
	Ташкил қилиш учун	Тугатиш учун
1	2	3
Фойдали қазилма конларини қидириб чамалаш, сўнгги маълумотларни олиш учун қидириш, шу жумладан сувга	1,0	0,8
Геология-тасвирлаш, геология-излаш, излаш-тасвирлаш, баҳолаш, геофизик, гидрогеологик, муҳандислик-геологик ва б.	1,5	1,2

Изоҳ: Лойиҳа бўйича дала ишларининг давомийлиги (мавсумий танаффуслардан ташқари) ўн икки ойдан ортиқ бўлса, нормаларга дала ишлари давомийлигига қараб коэффициентлар қўлланилади:

Лойиҳа бўйича дала ишларининг давомийлиги	Дала ишларини ташкил қилиш ва тугатиш нормаларига тузатиш коэффициенти
13 дан 18 ойгача	0,8
19 дан 24 ойгача	0,6
25 дан 36 ойгача	0,5
36 ойдан ортиқ	0,4

Ташкил қилиш ва тугатишга доир харажатлар суммасига давр харажатлари ва норматив фойда қўшиб ҳисобланмайди.

Ишлар янги лойиҳа бўйича партия (отряд)ни кўчирмаган ҳолда айни шу майдонда ёки бошқа майдонда давом эттириладиган бўлса, ишларни ташкил қилиш нормаларига 0,25 коэффиценти қўлланилади, тугатишга оид харажатлар эса кўзда тутилмайди.

Каротаж ва бошқа стационар партиялар бўйича ишларни ташкил қилиш ва тугатиш харажатлари, фақат фаолият юритаётган партияни тугатиш ва ташкил қилиш зарурати юзага келган ҳоллардагина кўзда тутилади.

#### **110.** Транспорт хизматини кўрсатиш (транспортда ташиш).

Юклар ўзга тегишли автотранспорт билан йўлсизликда ва йўлларда тракторларда ҳамда йўлсизликда, шу жумладан от-аравалар ва юк ҳайвонларида ташишга оид харажатлар қиймати 19-нашр “Геология-қидирув ишлари транспорт хизмати” тўпламининг смета нормалари бўйича, давр харажатлари ва зарур фойдани қўшиб ҳисоблаган ҳолда, аниқланади.

**111.** Юкларни ташиш смета қиймати ташилаётган юк тури ва миқдори, машинанинг юк кўтариш қобилияти, ташиш масофаси ва юк ташиш, тўпламнинг 19-нашрида келтирилган смета нормаларидан келиб чиқиб аниқланади.

Айрим иш турлари учун технологик ва махсус транспортнинг смета қиймати тўпламнинг 19-нашрида келтирилган смета нормалари бўйича ҳисобланади.

Транспорт воситаларининг тури ва юк кўтариш қобилияти, шунингдек ташиш масофаси лойиҳада асосланади.

**112.** Геология-қидирув ишларини бажариш учун зарур бўлган юк массаси ҳар бир турдаги геология-қидирув ишлари 19-нашр “Геология-

қидирув ишлари транспорт хизмати” тўпламининг смета нормалари бўйича аниқланади.

**113.** Сувсиз ва чўл районларда геология-қидирув ишларида банд бўлган ходимларнинг маиший эҳтиёжлари учун сув етказиш билан боғлиқ харажатлар, ҳар бир кишига ва оиланинг ҳар бир аъзосига кунига 20л сув сарф қилинишидан келиб чиққан ҳолда, кўзда тутилади.

Партия ва экспедиция иш олиб борётган районларга партия ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини етказиб бериш харажатлари қуйидаги нормалардан келиб чиқиб аниқланади: озиқ-овқат 1 киши-кунга ходим ва унинг оила аъзолари учун – 2кг; ошхона анжомлари, ўрин-тўшак ва б. саноат маҳсулотлари – лойиҳа бўйича бутун иш даврига 75 кг.

**114.** Ўзиюрар бурғилаш қурилмалари, автомашиналар, тракторларнинг бир участкадан иш участкасига (регионал профиллар орасида), шунингдек жойлашган жойдан иш участкасига ва аксинча, ҳаракатланиш харажатлари, ҳаракатланишга оид вақт сарфи ва машина-соат қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

**115.** Транспортировка харажатлари, транспортировка харажатлари харажатларини ўтган йилдаги белгиланган тартибда тасдиқланган дала ишлари ҳамда дала шароитида вақтинчалик бино ва иншоотлар қурилишининг умумий қийматга нисбатан, фоизларда аниқланиши мумкин. Агар айрим иш турларига технологик ва махсус транспортга оид харажатлар смета нормалари бўйича ҳисобланган бўлса, умумий транспорт харажатларини ҳисоблашда, улар чиқариб ташланиши зарур.

Янги объектлар бўйича транспортировка учун смета лимитлари, фаолият юритаётган иш объектлари (районлар)га ўхшаш (бир босқичдаги ва масофаси ва ташиш шароитлари бўйича яқин) бўлганлар бўйича,

ўхшаши бўлмаганда эса, мазкур йўриқноманинг 100-бандига мувофиқ тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб билан ҳисобланади.

**116.** Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ходимларини ташишда сметада тегишли иш турларига оид смета нормалари тўплами бўйича ҳисобланган, ижрочиларни кўчиб юришига оид харажатлар кўзда тутилади.

Ишлаб чиқариш ходимларини ҳар сменада ташишга оид вақт сарфлари йўлнинг узоқлиги, рейслар сони (иш жойига ва аксинча) ва машина соат тезлигидан келиб чиқиб аниқланади.

Бундан ташқари, транспортировкага иш участкасига юклар, шунингдек вахталарни олиб келувчи самолёт ва вертолётларнинг учиб келиши киради.

#### **117.** Хизмат сафарлари.

Геология-қидирув ишларини лойиҳалаш ва мавзуга оид ва бошқа ишларни бажариш, геологик ҳисоботларни ҳимоя қилиш учун материаллар тўплаш, шунингдек геология-қидирув ишлари билан боғлиқ бошқа хизмат сафарлари бўйича смета харажатлари, хизмат сафарлари сони, давомийлиги, бориладиган пункт, йўл ҳақи ва хизмат сафарига доир белгиланган сарф-харажатлардан келиб чиққан ҳолда, смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

Хизмат сафарига оид харажатлар суммасига давр харажатлари ва норматив фойда қўшиб ҳисобланмайди.

#### **118.** Ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазаси.

Ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазаси тадбирларини ўтказишга доир смета харажатлари тегишли смета нормалари бўйича, улар мавжуд бўлмаганда эса, смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

**119.** Ер участкасини олиб қўйиш ёки вақтинча банд қилиш билан ердан фойдаланувчига етказилган зарарни қоплашга оид харажатлар суммаси, ушбу ҳудудда амалда бўлган тартибга мувофиқ смета-молиявий ҳисоб-китоблар бўйича аниқланади.

**120.** Ерларни рекультивация қилиш (бузилган ерларни тиклаш, сейсмик қидирув ва бошқа ишларни олиб боришдаги портлаш оқибатларини бартараф қилиш, штольняга доир ва технологик сувларни тозалаш ва б.) харажатлари тегишли смета нормалари бўйича, улар мавжуд бўлмаган ҳолда смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

**121.** Экология экспертизага оид харажатлар белгиланган нархлар бўйича қабул қилинади.

**122.** Дала нафақаси.

Дала нафақаси бўйича смета лимитлари ЎЗР ВМ томонидан 2012 йил 2 июлда тасдиқланган “Дала шароитидаги ишларда банд бўлган ишловчиларга дала нафақасини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом”ги 190-сонли қарорга мувофиқ белгиланади.

Дала нафақасига оид харажатлар смета тузилаётган вақтдаги белгиланган ставка бўйича тўғридан-тўғри ҳисоб-китоблар билан ёки ўткан йилдаги дала нафақасига оид амалдаги харажатларни идала ишлари ва муҳосиба томонидан тасдиқланган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган маълумотнома билан айти шу даврда объект бўйича бирга бажариладиган иш турларига нисбати билан ҳисобланадиган фоизларда аниқланиши мумкин.

**123.** Кутилмаган ишлар ва харажатлар учун резерв.

Кутилмаган ишлар ва харажатларга объектдаги ишлар жараёнида юзага келган бажарилиши зарур бўлган ишлар ва харажатлар киради .

Ушбу ишларнинг смета қиймати Смета нормалари тўпламлари бўйича, улар мавжуд бўлмаганда эса, смета-молиявий ҳисоб-китоблар билан аниқланади.

Резерв геология-қидирув ишлари йўналиши ва босқичларидан келиб чиққан ҳолда, бироқ қуйидагилардан ортиқ бўлмаган миқдорларда кўзда тутилади:

Резерв геология-қидирув ишлари йўналиши	Резерв миқдори, тайёргарлик кўриш, лойиҳалаш ва дала нафақаси чиқариб ташланган ҳолда объект қийматидан фоизларда
Баҳолаш ва излаш ишлари	6 гача
Конларни қидириб чамалаш ва сўнгги маълумотларни олиш учун қидириш, шу жумладан сувни ҳам	4 гача
Геология-қидирув ишларининг қолган йўналишлари	3 гача

Лойиҳада “Резерв” моддасида кўзда тутилмаган харажатлардан фақат зарур бўлганда, корхона ИТК баённомасига мувофиқ ҳолдагина фойдаланишга рухсат этилади. Агар ишлар кутилмаган харажатларсиз олиб борилган бўлса, резервдан фойдаланилмайди.

#### **124. Пудрат ишлари.**

Чет ташкилотлар томонидан бажариладиган ишлар қиймати, ушбу ташкилотларнинг ташкилий-техник шартларини ҳисобга олган ҳолда (бир соатдаги ўртача иш ҳақи, ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар коэффициенти, давр харажатлари ва норматив фойда) геология-қидирув ишларига оид Смета нормалари тўпламлари бўйича аниқланади.

Смета нормалари тўпламларида кўзда тутилмаган ва бюджет ҳисобидан молияланадиган ишларни бажаришда, уларнинг қиймати пудрат ташкилотларининг тасдиқланган нархлари бўйича аниқланади.

Кон-қутқарув командасини сақлаб туриш ва ИИВ ходимлари томонидан хавфли юкларни (портловчи материалларни) кузатиб боришга оид харажатлар пудрат ишларига киради. Корхона (экспкдиция) ичида ташкил этилган кон-қутқарув командасини сақлаб туриш, ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматларига киради.

**125.** Пудрат ишлари СМ 2Г шаклидаги жамлама сметада, ижро қилувчи-ташкилот кўрсатилган ҳолда, “Пудрат ишлари” бўлимида акс эттирилади.

**126.** Баъзи турдаги ишларни бажаришда (ТИА тузиш, маъданларни технологик тадқиқ қилиш, қопламабоп плиталар учун блокларни арралаш ва б) муайян бажарувчи мавжуд бўлмаганда, лойиҳа ва сметада бажарувчиларни акс эттирмаган ҳолда, бошқа объектларга ўхшашлиги бўйича – тахминий нархлар кўзда тутилишига йўл қўйилади.

**127.** Пудрат ишларининг умумий суммаси СМ 1Г шаклда алоҳида устунда акс эттирилади.

**128.** Агар, иш бажариш жарёнида пудрат ишларини бажариш зарур зарурати юзага келса, бажарувчи-ташкилот ИТКнинг баённомаси тузилади. Унга ишлар смета қийматини тегишли қайта тақсимланиши кититилади. Ишлар умумий смета қиймати сақланиб қолинганда, смета қайта тасдиқлашдан ўтказилмайди.

**129.** Бажарувчи-ташкилот лойиҳадаги пудрат ишлари бўлимида (пудратчилар мавжуд бўлмаганда ёки шартлар ўзгарганда) кўзда тутилган ишларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ташкилот ИТК баённомаси асосида СМ 1Г ва СМ 2Г шаклларга қайта тасдиқлашдан ўтказмаган ҳолда

дастлабки инстанцияда аввал тасдиқланган смета суммаси доирасида, ўз кучи билан бажариш ҳуқуқига эга.

## **9-БОБ. ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИГА СМЕТАЛАР ТУЗИШ**

**130.** Смета тузиш учун зарур ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) геология-қидирув ишларига оид смета нормалари тўпламлари;
- 2) тармоқ, тармоқлараро ва геология-қидирув ишларида фойдаланиладиган бошқа смета нормалари;
- 3) белгиланган тартибда тасдиқланган геология-қидирув ишларига оид вақтинчалик лойиҳа-смета нормалари;
- 4) корхона раҳбари томонидан тасдиқланган ва юқори ташкилот билан келишилган, иш турлари бўйича соатли ўртача иш ҳақи;
- 5) Давгеолқўм корхоналарининг юкхатлари бўйича (харид қилинган нархи бўйича) материалларга оид ўртача нархларнинг тасдиқланган баҳолари, ишлаб чиқарувчи-ташкилот ёки маҳсулот етказиб берувчиларнинг прайс-листлари;
- 6) корхоналар бўйича амортизация муддатлари ўтмаган мавжуд асбоб-ускуналарнинг рўйхати, қайта баҳолаш ва амортизация ажратмалари нормаларини ҳисобга олиб, дастлабки нархларини кўрсатган ҳолда;
- 7) белгиланган тартибда тасдиқланган давр харажатлари ва норматив фойда коэффициентлари;
- 8) корхона раҳбари ва корхона бош муҳосиби томонидан имзолаган, дала ишлари ва вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш қийматидан юклар ва ходимларни ташиш фоизининг миқдори тўғрисидаги ҳисоб-китоб-маълумотнома;
- 9) белгиланган тартибда тасдиқланган, дала нафақаси тўлови миқдори тўғрисида ҳисоб-китоб-маълумотнома.

**131.** Ишлар физик бирлигининг смета қиймати ГҚИ ёки СМХ смета қийматини автоматлашган ҳисоблаш дастуридан фойдаланилган ҳолда ҳисобланади, ГҚИлари объектнинг тўлиқ смета қиймати СМ 2Г шаклда акс эттирилади.

**132.** СМ 2Г шакли маълумотлари бўйича ГҚИлари объектнинг СМ 1Г шакли бўйича умумлашма сметаси тuzилади, унда бевосита геология-қидирув ишлари ва бирга бажариладиган ишлар ва харажатлар ажратиб келтирилади. Бундан ташқари ушбу шаклда пудрат усулида бажарилаётган ишлар қиймати акс эттирилади.

**133.** ГҚИлари сметаси титул листдан, СМ 1Г, СМ 2Г шаклларидан иборат.

Ҳисоблаш усулини танлашга сабаб бўлувчи мавжуд норматив ҳужжатлар ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, сметанинг асосий қисми қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) СМ 1Г шакл – Объектдаги ГҚИларининг умумлашма сметаси;
- 2) СМ 2Г шакли – объект бўйича ГҚИ смета қийматининг умумлашма ва иш бирлиги қийматининг ҳисоб-китоби;
- 3) СМ 1ДГ шакли – ГҚИлари лойиҳасига қўшимчалар ва ўзгартиришлар қиритиш бўйича умумлашма смета;
- 4) СМ 2ДГ шакли – лойиҳага киритилаётган қўшимчалар бўйича геология-қидирув ишлари смета қийматининг умумлашма ҳисоб-китоби;
- 5) ҳар бир иш турининг смета қиймати ҳисоб-китоблари;
- 6) юклар ва ходимларни ташиш, дала нафақаси, дала ишларини ташкил қилиш ва тугатишга оид ишларнинг смета қийматлари ҳисоб-китоблари;
- 7) алоҳида иш турлари ва харажатлар ёки алоҳида харажатлар моддалари бўйича смета қийматининг ёрдамчи ҳисоб-китоблари;

8) зарур ҳолларда айрим ҳисоб-китобларга ва умуман смета бўйича тушунтириш хатлари.

### **10-БОБ. МАВЗУГА ОИД, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ, ТАЖРИБА – КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТАЖРИБА-УСЛУБИЁТ ИШЛАРИГА ДАСТУРЛАР ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**134.** Мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба – конструкторлик ёки тажриба услубиёт ишларига оид (кейинги ўринларда – “мавзу”) иш дастурлари ва смета, ташкилотнинг объектлар бўйича геологик топшириққа киртилгани ва шартнома бўйича бажариладиган ҳар бир мавзу учун ҳам, тузилади.

**135.** Мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ёки тажриба услубиёт ишларига (ИТИ, ТКИ ва ТУИ) оид иш дастурлари ва сметаларни тузишда геология-қидирув ишлари учун кўзда тутилган ва лойиҳа ва сметаларни тузиш бўйича йўриқномада баён қилинган умумий қоидалар, лойиҳа бўлимлари ва унинг таркибига нисбатан талаблар, қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибидан фойдаланилади.

**136.** Мавзуга оид, ИТИ, ТКИ ва ТУИ ишлари (кейинги ўринларда - “Мавзу”) дастурлари геологик топшириқни ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши зарур:

#### 1. Ишларни амалга ошириш асослари

Ҳал қилиш талаб қилинаётган долзарб муаммоларнинг қисқа тавсифи, масалани Ўзбекистон Республикасида ва хорижда ўрганилганлик ҳолати, дастлабки маълумотларни мавжудлигини баҳолаган ҳолда мавзунинг геологик топшириқни бажариш учун бошқа геологик, ишлаб чиқариш, мавзуга оид, илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Зарур

бўлса, ишлаб чиқишнинг танланган йўналиши бўйича бозор конъюнктури маркетингини олиб бориш (давлат бюджетидан молияланадиган мавзулар учун).

## 2. Тадқиқотларнинг асосий вазифалари

Ҳар бир мавзу бўйича тадқиқотларнинг асосий вазифаси таърифланади. Улар қуйидагиларга доир ўрганилмаган ёки бахсли масалалар бўйича муайян илмий натижалар олиниши лозим бўлган мавзуга оид ишларнинг бир қисмини: регионал тадқиқотлар, турли хил фойдали қазилмалар конларини ҳосил бўлиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш, уларни прогнозга оид баҳолаш, геологик тасвирлаш, излаш ва қидириб чамалаш ишлари усуллари ва техник воситалари билан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва моддий таркибини ўрганиш усуллари такомиллаштириш; минерал хом ашёларни бойитиш ва қайта ишлаш технологияси; минералларни синтез қилиш, минерал хом ашёлар иқтисодиёти ва геология-қидирув ишларининг бошқа йўналишларини ифодалайди.

## 3. Ишлар услубиёти, тадқиқотларнинг асосий бўлимлари ва уларни ижро қилиш муддатлари

Дала, экспериментал (шу жумладан тажриба намуналари ва макетларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш), тажриба-услубиёт ишларидан фойдаланиш, аввал бажарилган тадқиқотларнинг илмий таҳлили, синтез қилиш ва умумлаштириш, олинган натижаларни апробация қилиш, полигонлар ва ишлаб чиқариш шароитида асбоблар, аппаратураларни, усуллар ва услубиётларни синаш ишлари асосланади.

Қабул қилинган иш услубиёти ва ҳал этиладиган асосий вазифалардан келиб чиқиб, олинаётган муайян илмий ва амалий натижаларни номланишида (таркибида) акс эттирган ҳолда тадқиқотларнинг асосий бўлимлари, шунингдек уларни бажариш муддатлари ажратиб кўрсатилади.

#### 4. Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар

Қуйидагилар кўрсатилади: олинаётган ахборотлар рўйхати (билим орттириш учун, ресурсли, маҳсулотга оид), геология-қидирув ишларини бажариш усуллари ва услубиётлари, техник воситалари, асбоблар, аппаратуралар ва асбоб-ускуналар рўйхати. Уларни сифат ва техник кўрсаткичлари бўйича ватанимизда ишлаб чиқарилгани ва хорижий аналоглари билан қиёслаш ишлари амалга оширилади. Олинган натижаларни реализация қилиниши кутилаётган ҳажмлари, уларни халқ хўжалиги соҳаларида қўлланиши аниқланади.

#### 5. Ишларни ташкил қилиш

Тадақиқот ўтказиладиган маъмурий районлар (ҳокимиятлар) кўрсатилади, режаланаётган ишлар бўйича зарур техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар берилади ёки талаб қилинадиган харажатлар асосланади, районлар доирасида амалда бўлган коэффицентларни (район, баланд тоғли, чўл ва сувсиз районларда ишлаш учун) кўрсатган ҳолда районлар, дала ишлари муддатлари ажратилади. Транспорт хизмати харажатлари (ходимлар ва юкларни дала ишлари олиб бориладиган жойга ва аксинча ташиш) асосланади; чет ташкилотлар томонидан бажариладиган ишларга оид харажатлар суммаси аниқланади.

#### 6. Меҳнат сарфлари

Мавзуга оид, илмий-тадақиқот, тажриба-конструкторлик ёки тажриба-услубиёт ишларини (шу жумладан дала ишларини) бажаришдаги меҳнат сарфлари амалдаги норматив (шу жумладан вақтинчалик) ҳужжатлар бўйича ҳисобланади, улар мавжуд бўлмаганда эса – дастурда ижро этувчилар таркиби, ишларни олиб бориш муддатлари тўғрисидаги маълумотларга мувофиқ асосланади.

#### 7. Ишларни бажаришнинг календар режаси

Ҳар бир илмий-тадақиқот мавзуси учун тузилади.

**137.** Шартнома бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик мавзуларнинг смета қиймати, буюртмачи томонидан шартнома шартларига мувофиқ тарзда аниқланади.

**138.** Илмий-тадқиқот мавзулари дастурлари илмий-техник (илмий) кенгаш томонидан кўриб чиқилади ва баённома билан расмийлаштирилади. Илмий-техник (илмий) кенгаш томонидан дастурлар кўриб чиқилган сана, уларнинг титул листида қайд этилади.

**139.** Илмий-тадқиқот мавзуси (дастур) бўйича смета ва смета-молиявий ҳисоб-китоб мазкур йўриқноманинг 97-100 бандларига мувофиқ тузилади.

## **11-БОБ. ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ТАСДИҚЛАШ, УЛАРГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

**140.** Тузилган лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарувчи-ташкilotнинг ИТКда кўриб чиқилади, натижалари баённома билан расмийлаштирилади, баённома кенгашда қатнашган барча ИТК аъзолари томонидан имзоланади ва ИТК раиси томонидан тасдиқланади;

лойиҳа-смета ҳужжатлари этикеткаси мавжуд бўлган қаттиқ муқовада расмийлаштирилади;

қоғоз ва электрон вариантдаги ЛСҲ тўплами ташкilotнинг ИТК баённомаси билан бирга Давгеолқўмнинг Геологик лойиҳалар экспертизаси бошқармасига тақдим этилади;

экспертиза ўтказилганидан сўнг геология лойиҳалари экспертиза бошқармаси экспертиза хулосаси билан бирга ЛСҲ Давгеолқўмнинг тегишли бошқармалари ва бўлимларига (фаолият йўналиши бўйича)

йўллади, улар 10 кунлик муддатда ЛСХни кўриб чиқади ва уни кўриб чиқиш учун ИТКнинг тегишли шўъбасига киритади;

ЛСХ ИТК шўъбасида кўриб чиқиш натижалари бўйича баённома тузилади, у кенгашда қатнашган шўъбанинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ИТК раиси томонидан тасдиқланади;

ЛСХ Давгеолқўм девонининг соҳа бошқармаси ёки бўлими томонидан тасдиқлаш учун Давгеолқўм раҳбариятига тақдим этилади.

**141.** Қуйидаги ҳолларда ЛСХ қайта ишлашга қайтарилади:

1) услубиёт, ишлаб чиқариш-техник ва смета масалалари бўйича қабул қилинадиган ечимни тасдиқловчи рўйхатда керакли материалларининг мавжуд бўлмаслиги;

2) аввал бажарилган ишлар материалларидан, конларни қидириб чамалаш ва улардан фойдаланиш тажрибасидан фойдаланмаганлик;

3) масалани ҳал қилиш турлари, иш ҳажмлари ва услубиётини тадқиқот ишлари лойиҳаланаётган регионнинг табиий шароитларига мос келмаслиги;

4) бурғилаш, кон қазилар, тажриба-филтрацион ва бошқа материал-энергияни кўп талаб қилувчи ишларга оид техник масалалар бўйича лойиҳада қабул қилинган ечимлар асосларининг мавжуд эмаслиги;

5) лойиҳа ва сметанинг ишлаб чиқариш-техник қисми сифатининг қониқарсизлиги.

**142.** Баҳсли ҳолатлар мавжуд бўлганда материаллар юқори ташкилотда кўриб чиқилади.

**143.** Геология ташкилотлари зарур бўлганда бир турдаги иш ҳажмларини бошқа турдаги ишлар ҳажмларига алмлаштиришлари, шунингдек ўзининг геология-қидирув ва бирга бажариладиган ишлар ва харажатлар ҳисобига, объектнинг умумий смета қиймати доирасида,

лойиха билан кўзда тутилмаган ишларни бажаришлари мумкин. Бир иш тури ҳажмларини бошқасига алмаштириш, корхона-ижрочи томонидан лойиха-смета ҳужжатларини тасдиқлаган юқори ташкилотга йўлланадиган ИТК баённомаси билан расмийлаштирилади. Амалда бўлган смета, зарур бўлганда янги иш турини смета қиймати ҳисоб-китоблари билан тўлдирилади. Смета қиймати ўзгартирилмаган лойиха ва смета, қайта тасдиқланмайди.

**144.** Янги вазифаларни бажариш зарур бўлганда, шунингдек лойихада смета бўйича аввал кўзда тутилганидан ортиқ маблағ талаб этиладиган ҳолда, лойихага киритиладиган қўшимчалар ёки ўзгартиришлар тузилади.

**145.** Лойиха ва сметага қўшимчалар киритиш дастлабки лойихани тасдиқлаган корхона ва ташкилотнинг ИТК баённомаси асосида тузилади. Лойихага қўшимчалар киритиш СМ 1ДГ, СМ 2ДГ шакли бўйича тузилади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) титул листи;
- 2) геологик топшириқни аниқлаштириш;
- 3) кириш (қўшимчалар киритилишини асослаш);
- 4) вазифани ҳал қилиш усуллари;
- 5) иш турлари ва ҳажмлари;
- 6) вақт сарфи ҳисоб-китоблари;
- 7) қўшимчаларни кўриб чиқишга оид ИТК баённомаси.

**146.** Қўшимчаларни кўриб чиқиш баённомаси асосида кўзда тутилаётган вазифалар ўзгартирилганда ёки қўшимчалар киритилган ҳолларда дастлаб берилган геологик топшириқ қайта тасдиқланади.

**147.** Янги вазифаларни бажаришда ёки лойиҳада кўзда тутилган вазифаларни ҳал қилиш учун маблағлар етишмаганда, лойиҳага қўшимча ёки ўзгартиришлар тузилади. Смета қиймати ошганда ЛСХ такроран экспертизага йўлланади ва қайта тасдиқланади.

**148.** Объектдаги геология-қидирув ишларининг давомийлиги бир йилдан ортиқ бўлса, смета ҳар йили қайта ҳисоб-китоб қилиниши зарур. Объектнинг янги смета қиймати, иш ҳажмларини қайта ҳисоблаш даврида бажарилган иш ҳажмлари (ва харажатлар) ва кейинги даврга қолган қолдиқ иш ҳажмлари ва харажатларидан ташкил топади.

Қайта ҳисобланаётган смета (ҳисобланган қолдиқ иш ҳажмлари билан) корхона раҳбари томонидан ҳар йили тасдиқланади.

Ҳар йили Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармасига қайта ҳисобланган сметалар бўйича қиёслаш жадваллари тақдим этилади. Қайта ҳисобланган лимитлар қолдиғи сметанинг 20 фоизидан ортиқ қимматлашган ҳолда экспертиза хулосасини олиш учун сметалар Экспертиза бошқармасига тақдим этилади.

Объектга оид геологик топшириқ ва лойиҳа-смета ҳужжатлари, Давгеолқўм раҳбарлари орасида функционал мажбуриятларни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа мувофиқ, Давгеолқўм раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

### Иловалар рўйхати

1. «Геологик топшириқ»
2. Титул листи – «Лойиҳа»
3. Титул листи – «Смета»
4. СМ 1Г шакли бўйича геология-қидирув ишлари смета қийматининг умумлашма сметаси
5. СМ 2Г шакли Объект бўйича геология-қидирув ишлари смета қийматининг умумлашма ҳисоб-китоби
6. Титул листи – ЛОЙИҲАГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР
7. Титул листи – СМЕТАГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР
8. СМ 1ДГ шакли ГҚИ лойиҳасига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилишига оид умумлашма смета.
9. СМ 2ДГ шакли Лойиҳага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишига оид геология-қидирув ишлари смета қийматининг умумлашма ҳисоб-китоби.
10. Титул листи – мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-услубиёт ишларини олиб боришга доир «Дастур»
11. Титул листи – илмий-тадқиқот ва мавзуга оид ишларни олиб боришга доир «Смета»
12. Мавзу бўйича меҳнат харажатларининг умумлашма жадвали.
13. Ишларни бажаришга доир календар-режа.
14. Лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш учун ёрлик намунаси
15. Геология-қидирув ишлари объектларига геологик топшириқларни тузиш тартиби
16. ГҚИларини олиб боришга доир вақтинчалик смета нормаларини ишлаб чиқиш тартиби
17. Ўз компрессор қурилмалари билан ишлаб чиқилаётган 1 куб.м. сиқилган ҳаво қийматини аниқлашга оид услубий тавсиялар.
18. Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар қийматини аниқлашда унумли юкланиш коэффициентини аниқлашга доир услубий тавсиялар.

Вазирлик (идора)  
Корхона, ташкилот  
Экспедиция, партия, участка

Тасдиқлайман  
 Вазирлик (идора) раҳбари

\_\_\_\_\_  
 (Ф.И.Ш.)

20\_\_й. «\_\_»\_\_\_\_\_

Режа бўлими\_\_\_\_\_

Фойдали қазилма \_\_\_\_\_

Объект номи\_\_\_\_\_

Объект жойлашган манзил\_\_\_\_\_

## ГЕОЛОГИК ТОПШИРИҚ

\_\_\_\_\_  
 (Топшириқ берилган ишлар номи)

Геологик топшириқ берилишига асос \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
 (ҳужжат номи ва барилган сана)

### **1. Ишнинг мақсад вазифаси, объектнинг макондаги чегаралари, баҳоланадиган асосий параметрлар:**

- 1.1. Ишнинг мақсад вазифаси
- 1.2. объектнинг макондаги чегаралари
- 1.3. баҳоланадиган асосий параметрлар

### **2. Геологик вазифалар, уларни ҳал қилишнинг кетма-кетлиги ва асосий усуллари**

- 2.1. Геологик вазифалар
- 2.2. Кетма-кетлик
- 2.3. уларни ҳал қилишнинг асосий усуллари

### **3. Ишлардан кутиладиган натижалар (ҳисобот ҳужжатлари шаклларини кўрсатган ҳолда)\_\_\_\_\_**

### **4. Ишларни олиб боориш муддатлари \_\_\_\_\_**

Назорат қилувчи бошқарма ёки бўлим бошлиғи

Ф.И.Ш.

Тошкент- 20\_\_й

Вазирлик (идора)  
Корхона, ташкилот  
Экспедиция, партия, участка

Тасдиқлайман  
Вазирлик (идора) раҳбари

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

## ГЕОЛОГИК ТОПШИРИҚҚА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

\_\_\_\_\_

(геологик топшириқ берилган ишларнинг номи)

Қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишига асослар:

\_\_\_\_\_

(хужжат номи ва берилган сана)

Назорат қилувчи бошқарма ёки бўлим бошлиғи

Ф.И.Ш.

Тошкент- 20\_\_ й

Вазирлик (идора)  
Корхона, ташкилот  
Экспедиция, партия, участка

Тасдиқлайман  
Вазирлик (идора) раҳбари

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

20\_\_й. «\_\_» \_\_\_\_\_

## ЛОЙИҲА

\_\_\_\_\_

(геологик топшириқ бўйича ишларнинг номи)

Муаллифлар: \_\_\_\_\_

Фамилия, исми-шарифи

Назорат қилувчи бошқарма ёки бўлим бошлиғи

Ф.И.Ш

Корхона (ташкилот) раҳбари

Ф.И.О.

Корхона (ташкилот) бош геологи

Ф.И.О.

Тошкент- 20\_\_й

Вазирлик (идора)Корхона, ташкилот

Манзил \_\_\_\_\_

Экспедиция, партия, участка \_\_\_\_\_

Соҳа \_\_\_\_\_

ТАСДИҚЛАЙМАН

\_\_\_\_\_

миқдордаги сметани  
Вазирлик (идора) раҳбари

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_ г.

**С М Е Т А**

\_\_\_\_\_ ишларини олиб бориш учун

(лойиҳа бўйича ишларнинг номи)

Ишнинг бошланиши \_\_\_\_\_ 20 \_\_ й.

Ишнинг якунланиши \_\_\_\_\_ 20 \_\_ й.

Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи

Ф.И.Ш.

Корхона (ташкилот) раҳбари )

Ф.И.Ш.

Корхона (ташкилот) Иқтисод ва Молия бўлими бошлиғи

Ф.И.Ш.

Смета тузувчи

Ф.И.Ш.

Тошкент- 20 \_\_\_\_ й

## Объект бўйича геология-қидирув ишларининг умумлашма сметаси

№№ т/р	Ишлар ва харажатлар номи	Умумий смета қиймати, сўм		
		жами	Ша жумладан	
			Ўз кучи билан бажариладиган ишлар	Пудрат усулида бажариладиган ишлар
1	2	3	4	5
1.	Бевосита геология-қидирув ишлари			
2.	Бирга бажариладиган ишлар ва харажатлар -жами			
	Шу жумладан:			
2.1.	Бино ва иншоотларни қуриш			
2.2.	Ишларни ташкил қилиш ва тугатиш			
2.3.	Юклар ва ходимларни ташиш			
2.4.	Қопланадиган харажатлар жами			
	Шу жумладан:			
2.4.1.	Ишлаб чиқаришга оид хизмат сафарлари			
2.4.2.	Ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазаси			
2.4.3.	Дала нафақаси			
2.5.	Резерв			
3.	Жами			

Объект бўйича геология-қидирув ишлари смета қийматининг  
умумлашма ҳисоб-китоби

№ № п/п	Ишлар ва харажатлар номи	Ўлчов бирл.	Иш ҳажми	Ишнинг бирлик қиймати , сўм	Тўлиқ смета қиймати, сўм
1	2	3	4	5	6
1.	Бевосита геология-қидирув ишлари – жами				
	Шу жумладан:				
1.1.	Тайёргарлик ишлари				
1.2.	Лойиҳалаштириш				
1.3.	Дала ишлари				
	Шу жумладан: туплари ва усуллари бўйича				
	..... .....				
	Бошқа дала ишлари				
	Жами дала ишлари				
1.4.	Лаборатория ва технологик тадқиқотлар				
1.5.	Камерал ишлар				
1.6.	Харита тузиш ишлари				
1.7.	Мавзуга оид ишлар				
1.8.	Нашр қилиш ишлари				
1.9.	Тажриба-услуобиёт ишлари				
1.10	Бошқа бевосита ГҚИ ва				
	<b>1- банд бўйича жами</b>				
2.	Бирга бажариладиган ишлар ва харажатлар				
	Шу жумладан:				
2.1.	Бино ва иншоотлар қуриш				
2.2.	Ишларни ташкил қилиш ва тугатиш				
2.3.	Юклар ва ходимларни ташиш				
2.4.	Қопланадиган харажатлар – жами				
	Шу жумладан:				
2.4.	Ишлаб чиқаришга оид				
1.	хизмат сафарлари				
2.4.	Ер қаъри ва атроф муҳит				

2.	муҳофазаси				
2.4.	Дала нафақаси				
3.					
2.5.	Резерв				
	2- банд бўйича –жами				
	<b>Жами- ўз кучи билан</b>				
3.	<b>Пудрат ишлари</b>				
	<b>Жами- объект бўйича</b>				

Вазирлик (идора)Корхона, ташкилотЭкспедиция, партия, участка

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Вазирлик (идора) раҳбари

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_ й.

**ЛОЙИҲАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**\_\_\_\_\_  
(геологик топширик бўйича ишлар номи)

Муаллифлар: \_\_\_\_\_

Фамилиси, исми-шарифи

Назорат қилувчи бошқарма ёки бўлим бошлиғи

Ф.И.О.

Корхона (ташкилот) раҳбари

Ф.И.О.

Корхона (ташкилот) бош геологи

Ф.И.О.

Тошкент- 20 \_\_\_\_ й

Вазирлик (идора)  
Корхона, ташкилот

Манзили \_\_\_\_\_

Экспедиция партия, участка \_\_\_\_\_

соҳа \_\_\_\_\_

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_ сўм

миқдордаги сметани

\_\_\_\_\_ Вазирлик (идора) раҳбари

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

20\_\_й. «\_\_» \_\_\_\_\_

**СМЕТАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

(лойиҳа бўйича ишларнинг номи)

Иш бошланиши \_\_\_\_\_ 20\_\_й.

Иш якунланиши \_\_\_\_\_ 20\_\_й.

Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Ф.И.О.

Корхона (ташкилот) раҳбари Ф.И.О.

Корхона (ташкилот)нинг Иқтисод ва молия бўлими бошлиғи Ф.И.О.

Смета тузувчи Ф.И.О.

Тошкент- 20\_\_й

**Геология-қидирув ишлари лойиҳасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга доир умумлашма смета**

№№ т/р	Ишлар ва заражатлар номи	Дастлабки смета бўйича тўлиқ смета қиймати	20____й 1 январи бўйича бajarилган ва ҳақи тўланган	Дастлабки смета бўйича 20____й 1 январдаги қолган ишларнинг қолдиғи	Қўшимча лойиҳа билан кўзда тутилади: камайиш (-) ортиш (+)	Аниқлаштири лган смета бўйича тўлиқ смета қиймати, сўм
А	Б	1	2	3	4	5

1. Бевосита геология-қидирув ишлари
2. Бирга бажариладиган ишлар ва харажатлар
  - жами
  - шу жумладан:
    - 2.1. Бино ва иншоотлар куриш
    - 2.2. Ишларни ташкил қилиш ва тугатиш
    - 2.3. Транспортировка қилиш
    - 2.4. Қопланадиган харажатлар -жами
      - шу жумладан:
        - 2.4.1. Ишлаб чиқаришга оид хизмат сафарлари
        - 2.4.2. Ер қаъри ва атроф муҳит муҳофазаси
        - 2.4.3. Дала нафақаси
    - 2.5. Кутилмаган ишлар ва харажатлар резерви
3. Пудрат ишлари
4. Объект бўйича жами





---

Ташкилот номи

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Вазирлик (идора) раҳбари

---

(Ф.И.Ш.)

20\_\_й «\_\_» \_\_\_\_\_.

Мавзуга оид, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва тажриба-услугиёт  
ишларини ўтказиш

ДАСТУРИ

---

20.. й учун

Назорат қилувчи Бошқарма бошлиғи

Ф.И.Ш.

Корхона раҳбари

Ф.И.О.

Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Ф.И.О.

Мавзунинг илмий раҳбари (Фамилияси, илмий даражаси, лавозими)

Мавзуни бажаришга масъул

(Фамилияси, илмий даражаси, лавозими)

Тошкент 20\_\_й.

---

Ташкилот номи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

---

миқдордаги сметани  
Вазирлик (идора) раҳбари

---

(Ф.И.Ш.)

20\_\_й «\_\_»\_\_\_\_\_.

---

Мавзуга доир мавзули, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-услугиёт  
ишларини олиб бориш

СМЕТАСИ

Ишларни бажариш муддатлари:

Бошланиши \_\_\_\_\_

Яқунланиши \_\_\_\_\_

Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Ф.И.О.

Корхона (ташкilot) раҳбари Ф.И.О.

Корхона (ташкilot) Иқтисод ва молиялаштириш бўлими бошлиғи Ф.И.О.

Смета тузувчи Ф.И.О.

Тошкент 20\_\_й.

\_\_\_\_\_ мавзу (дастур) бўйича меҳнат харажатларининг Умумлашма  
жадвали

(мавзу номи)

Киши-ойларда

№№ т/р	Лавозимлар номи	Иш турлари ва мавзу ижрочиларининг қарздорлиги				
		Дастур тузиш	НИИ	Дала ишлари	таътил	жами
1	2	3	4	5	6	7
1.	МТХ					
2.	Ишчилар:					
	Жами					

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

\_\_\_\_\_ мавзуси бўйича

(мавзу номи)

Ишлар ва тадқиқотлар асосий бўлимларининг номи	Бажариш муддатлари (бошланиши/яқунланиши)	Бўлимнинг илмий-техник маҳсулот умумий қийматига %ларда ҳисобланган нархи
1	2	3

Лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш учун ёрлиқ намунаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ  
РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ

Номи: Давлат корхонаси.....

Номи: экспедицияси

Нусха.№

Муаллифлар:

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ  
РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ

Номи: Давлат корхонаси.....

Номи: экспедицияси

Нусха.№

Муаллифлар:

:

СМЕТА

## Геология-қидирув ишлари объектига геологик топшириқ тузиш ТАРТИБИ

Геология-қидирув ишлари (ГҚИ) объектига геологик топшириқ, мавжуд тартибга мувофиқ тасдиқланган, жорий ва келгуси йиллар учун корхонанинг объектлар бўйича геологик топшириғи асосида ишлаб чиқилади.

Геологик топшириқ ишлаб чиқилишининг асосий принципи аниқлик ҳисобланади. Якуний мақсад вазифасини ҳал қилиш мураккаб бўлганда геологик топшириқ ҳал қилинадиган бир қатор вазифаларга бўлинади. Шу билан бирга ҳар бир ҳал қилинадиган кейинги вазифалар олдинги ишлар натижаларига боғланиши зарур.

Геологик топшириқ илгари бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва умумлаштириш асосида тузилган объектнинг прогноз моделини ўрганиш учун ишлаб чиқилади.

Геологик топшириқнинг тегишли бўлимларида лойиҳаланган ечимлар бажарилиши натижасида қандай янги маълумот олиниши ва объект параметрларининг ишончилиги ва аҳамияти қандай бўлиши лозимлиги кўрсатилади.

Агар, айрим вазифаларни ҳал қилиш ёки айрим иш турларини (мавзуга оид, геокимёвий, геофизик, топографик, кимё-аналитик ва бошқа лаборатория тадқиқотлар ва б.) объектига доир геологик топшириқ бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга топширилган бўлса, улар ҳамижрочи-ташкилот сифатида кўрилади. Ҳамижрочи-ташкилот бундай ҳолда объектига оид геологик топшириқнинг бир қисми ҳисобланувчи геология-ишлаб чиқариш топшириғини олади.

Геологик топшириқ 1-иловага мувофиқ шаклда тузилади ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши зарур:

1. Ишлар номи – ишларнинг муфассаллиги (босқичи, масштаби), фойдали қазилма тури, иш олиб брмладиган майдон (участка) тўғрисидаги, иш мақсади ва бажарилиши кўзда тутилаётган геология-қидирув ишларининг принципиал тавсифи ҳақида фикр юритишга имкон берувчи бошқа маълумотларни ўз ичига

олади. Ишлар номи битта гап билан ифодаланади, у турли хужжатларда (объектлар бўйича геологик топшириқда, лойиҳада, сметада, геология-қидирув ишларини рўйхатга олишга доир хужжатларда, геологик ҳисоботда) бирдай қайд этилади.

2. Геологик топшириқ берилишига асос – корхонанинг объектлар бўйича тасдиқланган геологик топшириқ ва Давгеолқўмнинг жорий йилга белгиланган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва тўлдириш Дастури, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг геология-қидирув ишларини олиб боришга доир тасдиқланган тегишли топшириғи банди, санаси ва хужжат рақами кўрсатилган ҳолдаги алоҳида директив хужжатлар.

3. Ишларнинг мақсад вазифаси – ўрганиш объектларини (маъдан жисмлари, уюмлар, ертомирлар, горизонтлар, аномалиялар, ореоллар, майдонлар, номенклатура листлари ва б.), лойиҳаланаётган геология-қидирув ишлари босқичларини, ишларнинг кутилаётган якуний натижалари (мақсади)ни ва унинг асосий кўрсаткичларини (фойдали қазилманинг кутилаётган прогноз ресурслари тоифаси ёки захираларини, илмий-тадқиқот ва мавзуга оид ишларда – якуний маҳсулот номи ва параметрларини кўрсатган ҳолда) аниқ ва қисқача ифода қилиш.

4. Объектнинг макон бўйича чегаралари – лойиҳаланаётган майдон номи ва ўлчамлари, номенклатура листининг халқаро графикда жойлашиши, лойиҳаланаётган майдонни топографик, орографик, геоморфологик, геология-структуравий ва бошқа доимий белгиларга ёки пунктларга боғланиши кўрсатилади.

5. Асосий баҳолаш параметрлари – маъданлашувнинг кутилаётган геологик-саноат ва морфологик тури, унинг параметрлари (қалинлиги, тушиши ва йўналиши бўйича давомийлиги, захиралар ёки ресурслар тоифаси, агар илмий-тадқиқот ёки мавзуга оид ишлар лойиҳаси бўлса – кутилаётган натижалар номи ва параметрлари (прогноз майдони, аномалия, ореоллар,

маъданли структура, горизонт, харита, минерал таркибии, фойдали қазилманинг ажратиби олиниши ва б.) кўрсатилади.

6. Геологик вазифалар – лойиҳаланаётган ишларнинг мақсад вазифаси ва геология-қидирув ишлари босқичларига нисбатан Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Геологик вазифалар тадқиқот объектнинг ўрганилганлик даражаси ва мақсад вазифасининг мураккаблигидан келиб чиқиб бирин-кетин ёки бир вақтнинг ўзида бажарилади, вазифалар уларни ҳал қилиш кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда аниқ ифодаланиши лозим. Ифодаланишнинг аниқ ва тўлиқлиги лойиҳа-смета ҳужжатларининг асосланган кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва қўйилган ҳар бир вазифадан кутилаётган натижаларни аниқ белгилаш учун зарур.

Кетма-кетлик – геологик вазифалар белгиланган тартибда, уларни ҳал қилиш кетма-кетлигини акс эттирган ҳолда ифодаланади ёки геология-қидирув ишларини олиб бориш кетма-кетлиги объектнинг геологик хусусиятларини ва унинг алоҳида қисмларини ўрганилганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда изоҳланади.

Геологик вазифаларни ҳал қилишнинг асосий усуллари – уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва қўллашнинг техник имкониятлари, объектдаги муҳандислик-геологик, ландшафт-геоморфологик ва табиий-иқлим шароитлар тўғрисида олинган ахборотларни ҳисобга олган ҳолда, техник воситалар ва молия маблағларини жалб қилиш билан аниқланади.

7. Кутилаётган натижалар – лойиҳаланаётган ишларнинг мақсад вазифалардан олинган параметрларни (белгиланган масштабдаги геологик харита, аномалиялар, ореоллар, маъданли зоналар, структуралар, маъданлашиш параметрлари, прогноз ресурслари ёки тегишли тоифадаги захиралари, ГИА, ЙТИА, кондициялар ТИА ва б) кўрсатган ҳолдаги бажарилган ишлар натижалари акс эттирилган геологик ҳисоботдир.

8. Ишларни бажариш муддатлари – умуман ишларни бажарилиш муддатлари кўрсатилади. Эслатма: айрим топшириқларда муайян геология-қидирув ишлари (излаш, баҳолаш, коннинг биринчи навбатда фойдаланишга

топшириш кўзда тутилаётган айрим участкаларини қидириб чамалаш, кейинги иш турларини амалга ошириш боғлиқ бўлган, маълум усуллар билан олиб бориладиган ихтисослаштирилган тадқиқотларни яқунлаш; материалларни лойиҳалаш ташкилотларига топшириш; технологик синовга оид намуналарни олиш ва жўнатиш; кондициялар лойиҳаларини ҳисоблаш ва б.) босқичларини яқунлаш муддатлари кўрсатилиши мумкин

Зарур ҳолларда, лойиҳа тузишда лойиҳалаштиришнинг бориши чоғида аниқланган ва геологик топшириқда кўзда тутилмаган масалаларни ҳал қилиш асосланиши мумкин, бу эса услубиёт қисмида ва корхона (ташкилот)нинг ИТК (Илмий Кенгаш) баённомасида акс эттирилиши зарур.

## Геология-қидирув ишларини олиб боришга доир вақтинчалик нормаларни ишлаб чиқиш тартиби

Амалдаги смета нормативлари билан кўзда тутилмаган ишлар олиб борилиши зарур бўлганда ёки ишлар услубиёти, технологияси, қўлланилаётган техника, ишларни ташкил этилиши амалдаги нормативларда кўзда тутилганларидан кескин фарқ қилганда, вақтинчалик нормалар ишлаб чиқилади.

Нормалар ишлаб чиқишдаги тадқиқотлар мақсади бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг айрим операциялари ҳисобланади.

Вақт нормалари қуйидагилар негизида ишлаб чиқилади:

а) геология ташкилотида амалда бўлган ишчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ёки иш бажарувчиларга ишлаб чиқариш топшириқларини белгилаш учун қўлланиладиган нормалар;

б) фотохронометраж кузатувлари;

в) ГҚИларининг нормаланадиган турини олиб боришга оид вақт сарфи тўғрисидаги тажриба-статистик маълумотлар;

г) нормаланаётган иш турини бажаришда қўлланиладиган механизмлар ва технологияларнинг техник тавсифидан келиб чиқиб аниқланадиган ҳисоб-китобга оид маълумотлар.

Нормалашнинг энг ишончли тажриба-статистик тури бўлиб хронометраж ҳисобланади. Бу кузатувнинг шундай турики, унда оператив ишларнинг даврий такрорланувчи элементлари, тайёргарлик кўриш-тугатиш ишларининг алоҳида элементлари ёки иш жойига хизмат кўрсатишга доир ишлар тадқиқ қилинади.

Хронометраж кузатувлари усулида ўлчов асбобларит ёрдамида кузатувчи томонидан, ўзи кузатаётган операцияларнинг давоийлигини ўлчайди ва махсус бланкда (хронометраж картасида) қайдлаб боради. Ушбу усул иш жараёнларини ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни янада тўлиқ ўрганиш, бундан ташқари ишларни бажариш усул ва услубларини, уларнинг бажарилиш кетма-кетлигини тавсифловчи маълумотларни олиш имконини беради.

Хронометраж кузатувларини олиб боришда ишлаб чиқариш жараёни алоҳида операцияларга бўлинади. Операция – бу иш жараёнининг бир қисми бўлиб, у технологик жиҳатдан бир хилдалиги, иш предмети, иш жойининг доимийлиги билан тавсифланади. Одатда операция технологик жараённинг бир қисми ҳисобланади. Бироқ, иш жараёнини доими такрорланувчи операцияларга ажратиш имкони бўлмаган ҳолда, операциялар комплекси нормалаш объекти бўлиши мумкин.

Технологик операциялар ёки иш жараёнлари қуйидагиларга бўлинади: тайёрлов, асосий, ёрдамчи ва яқунловчи.

Тайёргарлик ишларига иш жойини ишлаб чиқаришга доир топшириқни бажаришга тайёрлаш, яъни белгиланган топшириқни бажариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли асбоб-ускуналарни тегишли режимга тайёрлаш ва шайлаш илари киради.

Меҳнат предмети ўзгарувчи (ўлчамлари, хусусиятлари, таркиби, шакли ёки макондаги ўрни), пировард натижада топшириқни амалга оширадиган жараёнлар асосий ҳисобланади.

Уларсиз иш жараёнлари тўлиқ ёки қисман бажарилмай қолиши мумкин бўлган асосий иш жараёнлари, ёрдамчи ишчи жараёнлари деб аталади. Хронометраж кузатувлари чоғида тўлдирилмай қолган ёрдамчи ишларнинг вақти, яъни асбоб-ускуна тўхтаганда (ишламаётганда) ёки асосий жараён тўхтатилгандаги ёрдамчи ишлар ҳисобга олинади.

Яқунлаш ишларига, ишлаб чиқариш топшириғи бажарилганидан сўнг ишларни яқунлашга қаратилган ҳаракатлар амалга ошириладиган иш жараёнлари киради.

Дам олиш ва шахсий эҳтиёжлар учуе вақт сарфлари хронометражга оид ўлчашлар ёки ишлаб чиқариш жараёнининг умумий вақтидан олинадиган ўртача фоизлар бўйича белгиланади.

Ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқ қилиш қуйидаги тартибда бажарилади:

- нормаланадиган ишлаб чиқариш жараёни структурасини техник ва меҳнат нуқтаи назардан ўрганиш;
- ишлаб чиқариш жараёнини таркибий қисмларга ажратиш;
- иш таркибини ва айрим элементларни (усуллар, операциялар ва б.) бажарилиш кетма-кетлигини ўрганиш;
- машиналар, механизмлар, мосламалар, асбоблар, аппаратуралар ва бошқаларнинг рационал иш режимини паспортидаги тавсифи бўйича ўрнатиш;
- ижрочиларнинг сон жиҳатдан таркибини ва уларнинг тарификациясини аниқлаш.

Кузатувчи технолгик жарённи ўрганиши, шунингдек қайд этиш нуқталарини аниқ белгилаши зарур. Қайд этиш нуқталари – яққол белгилари бўйича иш усули ёки операциясининг бошланиш ва якунланиш пайтини аниқловчи қатъий ва аниқ белгиланган чегаралардир.

Хронометраж кузатишлар картасига операциялари номлари ва шу вақт тоифасига монанд ҳарфий белгилари киритилади.

Вақт сарфлари  $t$  харфи ёки  $T$  с индекси билан белгиланади. Масалан,  $t_0$  – асосий вақт,  $t_v$  – ёрдамчи вақт ва ш.к.

Шаклланган амалиёт асосида кузатишлар (ўлчашлар) сони ўртача 8дан 12гача ўзгарувчан. Хронометраж маълумотларини қайдлаш учун қуйидаги шаклдаги кузатишлар карталаридан фойдаланилади.

**Кузатиш картаси**

Экспедиция: \_\_\_\_\_

Сана - 20\_\_ й.

Объект - қудуқ № \_\_\_\_\_, қияланиш бурчаги \_\_\_\_\_, жинс бузувчи асбоб \_\_\_\_\_,  
диаметри \_\_\_\_\_

Бурғилаш оралиғи \_\_\_\_\_

Дастгоҳ тури \_\_\_\_\_

Кузатувнинг бошланиши - соат. мин.

Операциялар номи	Опера ция шифри	Жорий вақт (операция яқунлани ши)	Давоми йлиги (мин.)	Чуқурлашиш	Жинслар тоифаси (қўтариш тезлиги)
1	2	3	4	5	6
Қудуқ стволени мустаҳкамлаш	-	8-49	4		
Бурғилаш снарядини тушириш олдидаги тайёргарлик ишлари	Тпз	8-53	30		
Бурғилаш снарядини тушириш	Твс	9-23	14	520 м	
Бурғилаш снаряди туширилганидан кейинги яқунловчи ишлар	Тпз	9-37	30		
Қудуқни чуқурлаш	То	10-07	2	58 см	IX
Дастгоҳ шпинделини қайта маҳкамлаш	Твс	10-09	46		
Қудуқни чуқурлаш	То	10-55	3	57 см	IX
Дастгоҳ шпинделини қайта маҳкамлаш	Твс	10-57	26		
Бекор туриб қолиш	-	11-23	36		Эл.энергия узилган

Қудукни чуқурлаш	То	11-59	2	56 см	IX
Дастгоҳ шпинделини қайта маҳкамлаш	Твс	12-01	39		
Қудукни чуқурлаш	То	12-40	25	53 см	X
Қудукни ювиш	Твс	13-05	6		
Кернни тишлатиш	Твс	13-11	7		
Снарядни кўтариш олдидан тайёргарлик ишлари	Тпз	13-18	17		
Бекор туриб қолиш	-	14-35	35		Коронка тиқилиб қолган
Бурғилаш снарядини кўтариш	Твс	15-10	15		
Ҳордиқ	Тотд	15-25	10		
Снаряд кўтарилганидан кейинги яқунлаш ишлари	Тпз	15-35	9		
Жинс бузувчи асбобни алмаштириш	Твс	15-44	11		
Таъмирлаш ишлари	Твс	15-53	14		Сальникни созлаш
Ҳордиқ	Тотд	16-07			
Жами					

Хронометражчи:

\_\_\_\_\_

Текширди:

\_\_\_\_\_

Комиссия раиси :

\_\_\_\_\_

Комиссия аъзолари:

\_\_\_\_\_



7	1-рейсга бурғилаш снаряди кўтарилганидан кейинги яқунловчи операция	Тпз												
8	Снарядни забойгача етказиш	Твс												
9	Қудуқни ювиш	Твс												
10	Жинс бузувчи асбобни алмаштириш	Твс												
11	Керрни узиб олиш	Твс												
12	1-рейс учун ёрдамчи ишлар	Твс												
	<b>Рейсда қудуқнинг чуқурлашиши , м</b>													

Хронометражчи: \_\_\_\_\_

Текширди: \_\_\_\_\_

Комиссия раиси \_\_\_\_\_

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Кузатишлар якунлангач ҳужжатларни дастлабки ишлашдан ўтказиш ва бажарилган ишлаб чиқариш жараёни тавсифи ва кетма-кетлигинитанқидий баҳолаш, кузатиш бланкаларини тартибга келтириш, мантиқий ҳисоблашни амалга ошириш ва хато қайдловларни тузатиш лозим. Кузатув натижаларини ишлаш ва таҳлил қилишда кўпроқ ўртача кўрсаткичлар қабул қилинади. Ўртача кўрсаткичлар барча умумий хусусиятга эга бўлганлар учун ҳисобланиши зарур.

Хронометраж қаторларини ишлаш ва баҳолаш математика ва статистика қоидаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Бундай ишлаш минимал ва максимал кўрсаткичлардан қўшимча тарзда тозаланган, ўртача катталикларни ҳисоблаб топиш билан хронометраж қаторларни тузиш ва ишлашдан иборат. Ўртача арифметик катталик, умумий тавсифни ифода қилади.

Уни ҳисоблаш усули қуйида келтирилади.

Бир неча кузатувлар билан приём (иш операциясининг қисми) юзасидан 10 та ўлчаш ўтказилган. Битта ўлчашнинг ўртача арифметик давомийлигини, даставвал шубҳали минимал ва максимал ўлчовларни чиқариб ташлаган ҳолда, ўртача арифметик кўрсаткич формуласи билан аниқлаймиз. Ўртачасини ҳисоблаш учун ўлчашларнинг умумий сони чиқариб ташланган ўлчашлар миқдорига камаяди. Қолган ўлчашларнинг умумий давомийлиги, уларнинг сонига бўлинади.

Кузатиш натижаларини таҳлил қилиш, барча турдаги кузатувлар учун мажбурийдир.

Таҳлил натижаси бўлиб, алоҳида турдаги геология-қидирув ишларини ёки операцияларга оид вақт нормалари ва меҳнат харажатларини, ўрганилаётган жараён бўйича материаллар сарфи нормаларини ишлаб чиқиш, зарур бўлган асбоб-ускуналар рўйхатини аниқлаш ҳисобланади.

Вақт нормаларини ишлаб чиқишда норма катталигига таъсир кўрсатувчи (жинслер тоифаси, кудуқ чуқурлиги, мураккаблик тоифаси ва б.) асосий, кўшимча ва иккинчи даражадаги омиллар ҳисобга олинади. Шу сабабли, фақат бир хилдаги омилларгагина мос келувчи ўлчашлар умумлаштирилади.

**Вақтинчалик нормалар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:**

- корхона раҳбариятининг комиссия таркиби ва ўтказиш жойи (объекти) кўрсатилган ҳолдаги хронометраж кузатишларини ўтказишга оид фармойиши (буйруғи);

- комиссия аъзолари томонидан имзоланган (камида 5 киши) ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган хронометраж ишларини қабул қилиш далолатномаси;

- хронометраж маълумотлари бўйича иш ўлчовининг физик бирлигига ҳисобланган вақт нормалари;

- мазкур турдаги ишларни бажаришга доир ижрочилар таркиби;

- ишларнинг физик бирлигига ҳисоб-китоб қилинган материаллар сарфи нормалари (мавзуга оид ва тажриба-услубиёт ишларига оид материаллар сарфи иш ҳақидан фоизларда, ўтган йил маълумотлари бўйича ҳисобланган ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобга олинган ҳолда, аниқланиши мумкин);

- ушбу турдаги ишларни олиб боришда қўлланиладиган асосий воситаларнинг рўйхати, асбоб-ускунани тўлиқ ёки қисман юкланишини ҳисобга олган ҳолда;

- вақтинчалик нормаларни корхона ИТКда кўриб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги баённомаси;

- вақтинчалик нормаларга доир экспертиза хулосаси;

- вақтинчалик нормаларни тасдиқлаш бўйича ишчи комиссияси баённомаси.

Вақтинчалик нормалар вазирлик (идора) раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Вақтинчалик нормаларни амал қилиш муддати 1дан 3 йилгача. Ушбу муддат якунлангач нормалар қайта кўриб чиқилиши ёки доимий амалда қилувчилар разрядига ўтказилиши зарур.

Ўз компрессор қурилмалари билан ишлаб чиқиладиган 1 куб.м сиқилган ҳавонинг қийматини аниқлаш бўйича

### УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Сиқилган ҳаво қиймати ўзига тегишли қурилмаларни ишлатишга оид асосий харажатлар нормаларига мувофиқ 1 машина-соат қийматини смета-молиявий ҳисоб-китоблари асосида аниқланади.

Амортизация харажатларини ҳисоблаш чоғида йиллик фонд, асбоб-ускуналарнинг ва бинолардан фойдаланиш йиллик иш вақти фонди бўйича ҳисобга олинади.

Кўчма компрессор станцияси.

1. Иш ҳақи қуйидагилардан ташкил топади:

- ишчининг меҳнат сарфи – 1,1 киши-соат;
- корхона бўйича ушбу иш турига белгиланган ўртача соат ставкаси;
- қонун билан белгиланган миқдорда ягона ижтимоий тўловга оид

ажратмалар;

2. Материаллар:

- дизел ёқилғиси (паспорти бўйича 1соат учун сарф);
- бошқа материаллар дизел ёқилғиси қийматидан 4% .

3. Амортизация – компрессорнинг баланс қиймати ва амортизация ажратмаларининг 1 соат учун ҳисобланган нормаси (15%).

4. Ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлар – корхона бўйича ўрнатилган иш ҳақидан фоизларда.

1 куб. м сиқилган ҳаво қиймати асосий харажатлар қийматини компрессорнинг 1 соатдаги унумдорлигига бўлинган қийматига тенг.

*Турғун компрессор станцияси*

1. Иш ҳақи қуйидагилардан ташкил топади:

- ишчининг иш ҳақи – 1,1 киши-соат, иккита компрессор ишлашида – 0,6 киши-соат;

- корхона бўйича ушбу иш турига ўрнатилган ўртача соат ставка;
- корхона бўйича ягона ижтимоий тўловга ажратиладиган миқдор.

## 2. Материаллар:

- а) электр энергияси – паспорт бўйича 1 соатдаги истеъмол нормаси.

Давлат тармоғидан олинадиган электр энергияси, ҳисоблаш вақтида белгиланган нарх бўйича; саноат корхоналаридан олинаётганда кейингилар билан тузилган шартномадаги нарх бўйича (бунга электр подстанциясини сақлаш, электр тармоқларига хизмат кўрсатиш ва сақлаб туриш харажатлари билан боғлиқ харажатлар, электр энергиясининг 1 кВт-соати қийматининг 5% миқдорида, киритилади).

Агар асбоб-ускуна бино ичида ўрнатилган ҳолларда бинога доир амортизация ҳисобланади.

- б) бошқа материаллар ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи қийматининг 5% миқдорида.

3. Амортизация – асбоб-ускуналар, бинонинг баланс қиймати ва 1 соатга ҳисобланган амортизация ажратмалари нормалари (асбоб-ускуна-8%, бино – 5%)

4. Ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа харажатлар – корхона бўйича белгиланган иш ҳақидан фоизларда.

1 куб. м сиқилган ҳаво қиймати асосий харажатлар қийматини компрессорнинг 1 соатдаги унумдорлиги бўлинмасига тенг.

Бурғи қудуғидаги геофизик тадқиқотлар қийматини аниқлашда маҳсулдор юклама коэффицентини аниқлаш бўйича

### УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Қудуқлардаги геофизик тадқиқотларнинг қийматини ҳисоблашда иш турини танлаш учун смета нормалари тўпламининг 12-нашри бўйича энг аввал маҳсулдор юклама коэффицентини аниқлаш зарур. Уни аниқлаш учун даставвал қудуқларда олиб бориладиган геофизик тадқиқотларнинг лойиҳа билан кўзда тутилган ҳажмларига оид нормаллаштирилган вақт сарфларини аниқлаш лозим.

Вақт сарфини ҳисоблаш (соатларда) тузатиш коэффицентлари (қудуқ қиялиги учун, ҳарорат коэффицентини) ни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши кўзда тутилган тадқиқот турларининг ҳар бири бўйича жадвалларда келтирилган физик бирликда (1000 м) смета нормаларига оид вақт нормалари аниқланади.

Қуйида технололгик транспортдан фойдаланишга оид маҳсулдор юклама ва вақт сарфи коэффицентини ҳисоблаш бўйича мисол келтирилган

#### Ишларни олиб боришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Лойиҳа маълумотлари
1	2
Қудуқлар мақсади	Излаш ишлари
Фойдаланилаётган каротаж қурилмалари тури ва русуми	КОБРА-М станцияси
Бурғилаш ҳажми, п.м	<u>6500 п.м</u> 35 та қудуқ
шу жумладан:	
Ўртача чуқурлиги 100 м	<u>1500 п.м</u> 15 та қудуқ
Ўртача чуқурлиги 250 м	<u>5000 п.м</u> 20 та қудуқ
Қудуқларни горизонт томон оғиши	70°
Қудуқлар оғзининг мутлақ баландлиги	1500-2000 м

1	2
1500-2000 м, баландликда ишлашда нормаларга қўлланадиган тузатиш коэффициенти 1-нашр, 1-жадвал	1,05
Қудуққача бўлган ўртача масофа, км	38
Шу жумладан: 1- гуруҳ йўллари бўйича -	30 км
- тоғ йўллари бўйича	8 км
Қудуқларни горизонтга нисбатан жойлашиши	75°
Нормаллаштирилган шароитлардан четка чиқиш коэффициенти Кн (ўтган йилдаги ишлар бўйича тасдиқланади)	0,39
Қудуқларга катнашлар сони - 1	Жами 35 та

**ГИС (ҚГТ)ларни бажариш тури, ҳажмлари ва шарт-шароитлари  
тўғрисидаги лойиҳа маълумотлари**

Кўрсаткич	Бурғилаш ҳажми	Қудуқлар сони	ГИС комплекси (камраб олиниши), %	Тадқиқот ҳажмлари п.м.к.	
				М 1:200	М 1:50
1	2	3	4	5	6
Ўртача чуқурлиги 100м қудуқлар	1500	15	ГК-98% КС-60% Инк-98% ГКдет-5%	1470 900 1470 -	- - - 75
Ўртача чуқурлиги 250м қудуқлар	5000	20	ГК-98% КС-60% Инк-98% ГКдет-5%	4900 3000 4900 -	- - - 250
<b>Жами, м</b>				<b>16965</b>	

**Қудуқларда геофизик тадқиқотларни бажариш учун нормаллашган  
вақт сарфларини ҳисоблаш**

Тадқиқотлар ва операциялар тури	Қудуқларнинг ўртача чуқурлиги, м		Жами вақт сарфи, соат
	100	250	
1	2	3	4
<b>1. 1:200 масштабли тадқиқотлар</b>			
1.1. Асосий, КС и ГК, (вып.12-нашр,1-китоб) 1000 м учун вақт сарфи, соат	т.5-8 гр.4 22,28	т.5-8 гр.6 10,41	
Қудуқ қиялиги учун тузатиш (4-а том , 1-бет)	0,067	0,067	
Каротаж ҳажмига тўғри келувчи ўлчаш бирликлари сони (1000 м)	1,47	4,9	
<b>Вақт сарфи, соат</b>	<b>32,85</b> (22,28+0,067)*1,47	<b>51,34</b> (10,41+0,067)*4,9	<b>84,19</b>
<b>Қўшимча усуллар:</b>			
1.2. Инклинотрия, ҳар 5-10 м (12-нашр, 8-китоб) 1000 м вақт нормаси, соат	т.1 гр.4 4,07	т.1 гр.6 3,13	
Қудуқ қиялиги учун тузатиш (4а том,3-бет)	-	-	
Каротаж ҳажмига тўғри келувчи ўлчаш бирликлари сони (1000 м)	1,47	4,9	
<b>Вақт сарфи, соат</b>	<b>5,98</b>	<b>15,34</b>	<b>21,32</b>
<b>2. 1:50 масштабли тадқиқотлар</b>			
2.1. ГК деталлаштириш, деталлаштириш жами оралиғи 10 м (12-нашр, 14-китоб) 1000 м учун вақт нормаси, соат	т.1-4 гр.4 18,68	т.1-4 гр.6 31,42	

1	2	3	4
Кудук қиялиги учун тузатиш	0,6	1,87	
Каротаж ҳажмига тўғри келувчи ўлчаш бирликлари сони (1000 м)	0,075	0,25	
<b>Вақт сарфи, соат</b>	<b>1,45</b> (18,68+0,6)*0,075	<b>8,32</b> (31,42+1,87)*0,25	<b>9,77</b>
<b>Жами вақт сарфи, соат</b>			<b>115,28</b>
<b>Жами - баланд тоғли бўлгани учун коэфф. ҳисобга олиб 1,05</b>			<b>121,04</b>

**ГИС отряди кўчиб юриши учун вақт сарфини,  
нормаллаштирилмаган вақт сарфини ва маҳсулдор юклама  
коэффициентини ҳисоблаш**

№ т/р	Сарф-харажатлар тури	Вақт сарфи, соат
1	<b>Отряднинг кўчиб юриши (12-нашр, 1-китоб 3-т)</b> 1-гурух йўллари бўйича (30*2*35/100*4,14) Тоғ йўллари бўйича (8*2*35/100*8,8)	86,94 49,28
	<b>Кўчиб юришларга оид жами вақт сарфи</b>	<b>136,22</b>
	ГИС ва кўчиб юришларга оид жами вақт сарфи (121,04+136,22)	257,26
	Кн-0,39 ҳисобга олинган ҳолда вақт сарфи (257,26 / 0,39)	659,64
2	<b>Нормаллаштирилмаган шaroитларни ҳисобга олдувчи вақт сарфлари (659,64-257,26)</b>	<b>402,38</b>
	Кўчиб юришларга оид вақт сарфининг солиштирма оғирлиги (136,22 / 257,26)	53%
	Маҳсулдор юклама коэффициенти Кпз (12-нашр, 1-китоб; 2-т, 4-бет, 7-устун)	30% дан кам

**Технологик транспортдан фойдаланишга оид вақт сарфини ҳисоблаш**

№ т/р	Сарф-харажатлар тури	Вақт сарфи, соат
1	Махсус автотранспортнинг кудукларга бориб келиши 1-гуруҳли йўлларда (30*2*35/100*4,14) Тоғ йўлларида (8*2*35/100*8,8)	86,94 49,28
	<b>Махсус автотранспортни ҳаракатланишига оид жами вақт сарфи</b>	<b>136,22</b>
2	<b>Махсус автотранспортни турғун ишлашида (12-нашр, 1-китоб, 4-т) (121,04 / 7*4,9)</b>	<b>84,73</b>
3	<b>Махсус автотранспортни технологик бекор туриб қолиши (659,64-136,22-84,73)</b>	<b>438,69</b>

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда).
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги Низом.
3. «Минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва тўлдириш давлат дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом 1-илова
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги 297-сон қарори.
5. ИИВнинг 3-сонли ва “Саноатконтехназорат” Давлат қўмитасининг 78-сонли қарорлари билан тасдиқланган, Адлия вазирлигиджа 2005 йил 8 июлда 1491 рақам билан рўйхатга олинган Портловчи материалларни сақлаш, ташиш, фойдаланиш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.
6. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилишга оид харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорга илова, 1.2-банд).
7. ЎзР ВМнинг 2012 йил 2 июлдаги 190-сонли қарори билан тасдиқланган “Дала шароитидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала нафақасини тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.
8. 2018 йил 28 майда ДЗК баённомаси билан тасдиқланган Геологик материалларни кўриб чиқиш учун ҳақ ундириш тартиби тўғрисидаги Низом.
9. Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома, 2012 йил 23 октябр, №2395.
10. “Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”га услубий тавсиялар.

11. 1986- 1998 йиллар лойиҳа ва сметаларини тузиш бўйича  
Йўриқнома

12. Ер қаърини геологик ўрганиш ва фойдали қазилма конларини  
фойдали қазилмалар турлари бўйича қидириб чамалаш ишларини олиб  
боришга оид лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш қоидалари (Россия  
Федерацияси Табiiй ресурслар ва экология вазирлиги – 2016 йил 14  
июндаги 352-сонли буйруғи).